ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БУТУН ПАРТИЯНИНГ, БУТУН ХАЛҚНИНГ ИШИДИР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 61 (3033). | Якшанба, 28 март 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРАДИКИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ЗАРУР ЧОРАЛАРИНИ ПАРТИЯ, БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИ МАМЛАКАТ ЭКОНОМИКАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ҒОЯТ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЭНГ МУҲИМ ВА ҲАЁТИЙ ЗАРУР ИШ ДЕБ КУТИБ ОЛАДИЛАР.

БУ ЧОРАЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ИШЧИЛАР СИНФИ БИЛАН КОЛХОЗЧИ ДЕҲҚОНЛАРНИНГ БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИНИ ЯНАДА КЎПРОҚ МУСТАҲКАМЛАЙДИ, КОММУНИЗМНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯРАТИШГА КАТТА ҲИССА БЎЛИБ ҚЎШИЛАДИ.

(СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги энг зарур чоралар тўғрисида КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1965 йил 26 мартда қабул қилган қароридан)

МУҲИМ, ҲАЁТИЙ ТАДБИРЛАР

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ўз ишини тамомлади. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги энг зарур чоралар тўғрисида» доклад қилди ва КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Суслов «Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1965 йил 1—5 мартда бўлиб ўтган маслаҳат учрашувининг якунлари тўғрисида» ахборот берди. Пленум ҳар иккала масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу нарсани алоҳида кўрсатдики, октябрь ва ноябрь Пленумларидан кейин партия ташкилотларининг самарали, ижодий ва ташкилотчилик билан иш олиб боришлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Социалистик экономика тез ривожланиб, халқнинг турмуш даражаси анча ошиб бораётган бўлса ҳам лекин қишлоқ хўжалигининг тараққиёти умумпартия, давлат ва умумхалқ манфаатларидан бирмунча орқада қолмоқда. Бунинг асосий сабоблари шундан иборат бўлдики дейилади Пленум қарорида, социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий қонунлари, колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларини жамоат хўжалигини юксалтиришдан моддий манфаатдор қилиш, ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатларга тўғри қўшиб олиб бориш принциплари бузилди. Бунга раҳбарликдаги субъективизмнинг таъсири ҳам анчагина урди. Бу эса планлаштиришда, қишлоқ хўжалигини маблағ ва кредит билан таъминлашда, нархлар белгилаш сиёсатида хатоларга олиб келди. Раҳбарлик органлари асоссиз равишда қайта қурилаберганлиги ишда масъулиятсизлик ва асабийлик вазиятини туғдирди, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига катта зарар етказди. Мана шуларни ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети Президиуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг энг зарур чоралари тўғрисидаги масалани КПСС Марказий Комитети Пленумига муҳокамасига қўйди. Пленум қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — бутун партиянинг бутун халқнинг ғоят муҳим, жуда зарур ва ҳаётий вазифаси эканлигини яна бир бор яққол кўрсатди.

Тўғри, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда каттагина ишлар амалга оширилди. Колхоз ва совхозларнинг техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш ва маҳсулотларни кўпроқ етиштириш масалаларига жиддий эътибор берилди. Лекин ана шу ижобий натижалар мустаҳкамланмади. Бу соҳадаги планлар бажарилмай қолди. 1959 йилгача қишлоқ хўжалиги сезиларли даражада юксалиб келди-ю лекин бундан кейинги даврда бир жойда депсиниб турaверди. Вужудга келган бу вазият қишлоқ хўжалиги ишлари учун жиддий ташвиш туғдирди. Партиямиз Марказий Комитети бу вазиятни ҳисобга олиб колхоз ва совхозларни ташкилий хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган муҳим иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқди.


КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш системасини яхшилаш, унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, фан ва илғор тажрибаларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг жорий қилиш, колхозлар ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлаш ва қишлоқда партиявий ишлар савиясини ошириш юзасидан муҳим тадбирлар белгилади.

Марказий Комитет Пленуми қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган хатоларни тезда тузатиб олишни, субъективизмга барҳам беришни асосий вазифа қилиб қўйди. Пленум деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш системасини яхшилаш, бу соҳада бир қанча йилларга мўлжаллаб қатъий план тузиш, умумдавлат манфаатлари билан хўжаликнинг ички манфаатларини уйғун равишда қўшиб юборилишига эришиш, дон ва чорва маҳсулотларининг янги харид нархларини жорий этиш лозим, деб топди. Бу таклифларни амалга ошириш учун давлат қўшимча маблағлар сарфлайди. Ана шу ёрдамлар натижасида колхозлар ва совхозлар дон етиштиришни анча кўпайтирадилар, давлатга эса ҳозиргидан кўра кўпроқ дон, чорвачилик маҳсулотлари сотиш имкониятига эга бўладилар. Маҳаллий ҳусусиятни ҳисобга олиб экин майдонларининг структурасини олдиндан белгилаш, алмашлаб экишни тиклаш ва шу сингари турмуш талаб этган муҳим масалалар юзасидан ҳам тегишли тадбирлар белгиланди. Пленум колхоз ва совхозларни техника билан яхшироқ таъминлаш, қишлоқ хўжалигини электрлаштиришни кенг йўлга қўйиш, инженер-техник кадрлар, тракторчилар, комбайнчилар ва бошқа механизаторлар тайёрлаш, ирригация ва мелиорация ишларини авж олдириш масалаларига ҳам жиддий эътибор берди.

Марказий Комитет Пленуми мўлжаллаётган иқтисодий чоралар колхозларни ҳам, совхозларни ҳам муваффақиятли ривожлантирмоқ ва мустаҳкамламоқ учун шароит вужудга келтиради. КПСС Марказий Комитети Президиуми иқтисодий занф колхозларнинг аҳволини биринчи навбатда енгиллаштирмоқ ва уларга нормал ишлаш имкониятини бермоқ учун улар зиммасидаги қарзларни олиб ташлашни лозим, деб топди. Қишлоқ хўжалиги ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш соҳасида ҳам бирмунча тадбирлар амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг ғоят муҳим вазифалари партия ташкилотлари раҳбарлигини янги поғонага кўтаришни, уларнинг ўз ишларини қайта қуриб олишларини, ташкилотчилик ишлари савиясини оширишни талаб этади. Областимиз меҳнаткашлари Совет Иттифоқидаги барча киши лар сингари Пленум қарорларини ғоят баланд руҳ ва зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари Пленум қарорларидан руҳланиб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштириш, кўклам экиш ишларини юксак савияда ўтказишга бел боғладилар. Ана шу активликни қўллаб-қувватлаш ва янада авж олдириш партия ташкилотларининг жонажон вазифасидир.

Пленум белгилаган чораларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини янада кўпроқ мустаҳкамлайди, коммунизмнинг моддий техника базасини яратишга катта ҳисса бўлиб қўшилади.



Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг миришкор деҳқонлари қишлоқ хўжалик экинларидан йил сайин юқори ҳосил олиб келмоқдалар. Хўжаликда дала алмашлаб экишга, айниқса, жиддий эътибор берилмоқда. Бу йил катта майдонларга шу мақсадда беда экилди. Суратда: тракторчи Ли Чан Сем 5-бригаданинг беда экилган майдонларини сифатли борона қилаяпти.

А. Абалян фотоси.

ЧЎПОНЛАР ҒАЙРАТИ

Шу кунларда Оржоникидзе районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг чўпонлари қўзилатиш кампаниясини намунали ўтказмоқдалар. Ўртоқ Хотам Умаралиевнинг отарида 423 бош совлиқ бор. Ундан ҳозиргача 100 бошдан ортиқ қўзи олинди. Бош чўпон ўртоқ Мирсоат Қосимов эса ҳозиргача 80 га яқин соғлом қўзи олишга муваффақ бўлди. Унинг совлиқларидан 7 таси эгизак туғди. Абдулла Назировнинг отарида ҳам қўзилатиш қизғин боряпти. Бу чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан камида 110—120 тадан қўзи олишга сўз беришган.

Колхоз чорвадорлари давлатга маҳсулот сотиш юзасидан берилган квартал планини муддатидан илгари ортиғи билан бажарганликлари тўғрисида яқинда ғалаба рапорти бердилар. Эл дастурхонига 22,6 тонна гўшт, 65 тонна сут, 29700 дона тухум етказиб берилди.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

ЭРТА ҲАРАКАТ— ҲИРМОНГА БАРАКАТ

Ўртоқ В. Илёсов звено аъзоларининг шу кунги ишлари ҳақида батафсил гапириб берди.

— Ҳамма гап меҳнатда, — дейди у, — ҳалол меҳнат қилинса кўзланган мақсадга албатта эришилади. Эрта ҳаракат — ҳирмонга баракат, дейишади деҳқонларимиз. Тўғри гап. Бизнинг звено аъзолари ҳам ана шунга амал қилишаяпти. Ишимизнинг бориши ёмон эмас. 45 гектар ернинг ҳар гектарига 8—10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғардик. Барча катта-кичик ариқлар суви равон оқадиган қилиб тозалаб қўйилди. Экиш агрегатларимиз ҳам мавсумга шай. Чигит экиш билан бир йўла ерга ўғит солиш учун чигит сеялкаларга ўғитлагич мосламалари ҳам ўрнатилган. Ҳозир чигит экиладиган майдонларни сифатли борона қилаяпмиз.

Ўтган йили гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтарган азамат пахтакорлар бу йилги мавсумда 35 центнерлик маррани кўзлашаяпти. Звено миришкорлари бу марранинг осонликча кўлга кирмаслигини яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам ўтган йилдагидек бу йил ҳам деҳқонларнинг ишончи дўсти — механизациянга кенг йўл очишни ўз олдиларига бирдан-бир мақсад қилиб қўйишган. Меҳнатсеварларнинг нияти холис. Улар техникадан янада самарали фойдаланиб, ортиқча меҳнат харажатларини тежаб қоладилар, ҳосил таннархини янада арзонлаштиришга эришадилар.

С. ВАЛИЕВ,
Янгийўл райони, Карл Маркс номли колхоз.

ШАЙМИЗ

Шу кунларда бўлимимизнинг механизаторлари яна ҳам ғайрат қилишаяпти. Улар ўз зиммаларига юклатилган вазифани сидқидилдан билан бажариш учун кураш олиб боряптилар. Қайси звеконинг ерига борманг, кўклам экишига тайёргарлик қизиб кетганлигини кўриб хурсанд бўласиз.

Экишни барвақт ўтказишга ҳаракат қилган деҳқонларнинг ерлари тахт қилиб қўйилган. Эртадан майдонларга барака урғи ташлашади. Мана, ўртоқ Анатолий Бугримов бошлиқ комплекс механизациялашган звеконинг карталари. Звено аъзолари 33 центнердан хирмон кўтариш учун фидокорона меҳнат қилишяпти. Звеконинг ерлари бороналаниб, текислаб қўйилди. Уруғлик чигит эса жамғарилди. Эрта-индин экишни бошлаб, бўлимда биринчилар қатори тамомлаш аҳдидалар. Лида Бугримова, Нори Байрамқулов ўртоқлар бошқараётган звеноларда ҳам иш важида. Ер сифатли текислаб қўйилган. Етарли миқдорда маҳаллий ўғит солинган. Арик зовурлар чуқур қазилиб сув равон оқадиган холга келтирилган. Бу звеноларда етарли миқдорда нам сақланмоқда. Деҳқонлар техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, чигитни узоғи билан бир ҳафтада экиб бўлиш ва чигитни ернинг табиий намида ундириб олишни мўлжалламоқдалар.

Бизнинг бўлимимиздаги ҳамма звеноларга гектар бошидан 30—33 центнердан «оқ олтин» олиш шитиёқи билан астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. НУРАЛИЕВ,
1-«Оққўрғон» совхози 2-бўлими механизациялашган звеноларининг раҳбари.

СССР партия-ҳукумат делегацияси Польша Халқ Республикасига боради

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия — ҳукумат делегацияси Польша Бирлашган ишчи партияси ва Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан апрель ойининг бошларида Польша Халқ Республикасига боради.

Визит вақтида СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланади. Бу шартномани имзолаш дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида 1945 йил 21 апрелда 20 йил муддатга тузилган Совет — Польша шартномасини янгилашдан иборат бўлади.

Совет партия-ҳукумат делегацияси Бухарестдан қайтиб келди

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. И. Микоян бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси 26 мартда Бухарестдан Москвага қайтиб келди.

Делегация халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Руминия ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Георге Георгиу-Дежни дафн этишда қатнашди.

Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари А. П. Кириленко билан Д. С. Полянский, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов ва бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

(ТАСС).

40 ЦЕНТНЕР УЧУН

Даврон Жалолов бошлиқ участка деҳқонлари ўтган йили гектар бошига 33,5 центнердан «оқ олтин» кўтариб, Оққўрғондаги Димитров номли колхозда карвонбоши бўлган эдилар. Бу йил улар ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 40 центнердан пахта етиштиришни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйдилар.

Ҳозир участка далаларида қилинаётган ишлар шу юксак мажбуриятга яраша бўлаяпти. Чигит, экиладиган ерлар кафтдек қилиб текисланаяпти. Бегона ўт илдизлари териб олинаяпти. Кераксиз ариқлар кўмиб, карталар йириклаштирилмоқда.

Ўтган йили етиштирилган 132 тонна пахтанинг 113 тоннадан кўпроғи «зангори кема»лар билан йиғиб-териб олинган эди. Деҳқонлар бу йил ҳам ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан йиғиб-териб олишга аҳд қилишган.

— Биз машина теримига ҳозирданоқ тараддуд кўраяпмиз, — дейди участка бошлиғи ўртоқ Д. Жалолов, — дала қанча текис бўлса, машина шунча унумли ишлашини деҳқонларимиз жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳозир улар ерни текислашга катта эътибор беришаяпти. Пахтани эрта пишириш учун чигит экишни ҳам эрта, ҳам қисқа муддатда ўтказамиз.

Ў. БОЙТЎРАЕВ.

ЮЛДУЗЛАР САРИ ҚАДАМ

«ВОСХОД-2» КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

МОСКВА, 26 март. (ТАСС мухбири). Космонавтларимизнинг ҳар қайсиси мана шу ерда, қиноаппаратлар тириллаб турган, юпитерлар қўёшнинг ўзи билан мусобақалашаётир, деб айтилса арзийдиган мана шу залда бўлган.

Москва Давлат университетининг маросимлар зали. «Восход-2» космик кемасининг парвозига бағишланиб, бу ерда совет ва чет эл журналистларининг матбуот конференцияси очилди. Зал лиқ тўлган. Президиумда космонавтлар, уларнинг ёнида олимлар ва мутахассислар ўтиришибди. Бу ерга Москва жамоатчилигининг намояндалари келишган. Таклиф қилинганлар орасида дипломатик корпус аъзолари ҳам бор.

Бугун космонавтлар, олимлар чиқиб сўзлайдиган минбар атрофига жуда кўп микрофонлар ўрнатиб қўйилган. Радио ва телевидение репортерлари инсоннинг юлдузлар сари биринчи марта қандай қилиб қадам ташлаганлиги тўғрисидаги ҳикояни планетанинг ҳамма томонига эшиттиришга шайланиб туришибди...

Совет халқининг космосни ўзлаштиришдаги янги ғоят катта ғалабасига бағишланиб СССР Фанлар Академиясининг президиуми, СССР Ташқи ишлар министрлиги ташкил этган бу матбуот конференциясини СССР Фанлар Академиясининг президенти академик М. В. Келдиш очди.

Совет халқи, деди у, космик фазони ўрганиш ва ўзлаштириш ишларини планли равишда ва изчиллик билан олиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда илғор космик саноат вужудга келтирилди. Бу саноат совет олимлари ва инженерларининг Коинот ичкарисларига кириб боришдан иборат жуда катта вазифаларни ҳал этишларига имкон бермоқда.

Илмий-тадқиқот институтларининг ва конструкторлик бюроларининг коллективлари космик кемалар, аппаратлар, турли системалар ва конструкциялар яратиш устида иш олиб бормоқдалар, космик трассаларни ҳисоблаб, аниқлаб бермоқдалар.

Ернинг жаҳондаги биринчи сунъий йўлдоши, биринчи марта Ойга қилинган учишлардан тортиб то совет кишилари учириб бораётган космик кемаларгача бизнинг фанимиз ва техникамиз, улуғ Ленин партияси раҳбарлигидаги совет халқи нақадар юксак чўққиларга эришганлигини бутун дунёга намойиш қилди.

Одамни космик кемада бевосита космик фазога чиқариш вазифасини, яъни энг принципиал вазифалардан бирини ҳал қилиш керак эди. Бу вазифанинг ҳал қилиниши одамнинг Ойга ва бошқа самовий жисмларга учиб бориши учун, ичида одамлар яшайдиган планеталараро станциялар вужудга келтириш учун янги, катта имкониятлар очиб беради.

«Восход-2» йўлдош кемасини учириб, унинг ичидан космонавтни космик фазога чиқариш, деб давом қилди СССР Фанлар Академиясининг президенти, тўла муваффақият қозонганлигини энди ҳаммамиз биламиз. Президент уқтириб айтдики, одамни космосга чиқаришдан иборат бу эксперимент амалга оширилганлиги космосни ўзлаштириш йўлида қилинган энг ажойиб ишларнинг бири бўлди. Бу воқеа Коинотни тадқиқ қилишда сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди.

Эндиликда орбита бўйлаб учадиган станциялар вужудга келтириш, орбитада учиб бораётган космик кемаларни бир-бирига туташтириш, космосда астрономик ва геофизик тадқиқотлар ўтказиш учун янги жуда катта истиқболлар очилмоқда.

Олимнинг: «Яқин келгусида Ер атрофидаги орбитада космик илмий-тадқиқот институти вужудга келтириш мумкин бўлиб қолади, бундай институтда энг хилма-хил ихтисосга эга бўлган олимлар ишлай олади», деб айтган гаплари ҳаммани ниҳоят даражада қизиқтирди.

Фанлар Академиясининг президенти космоснинг янги қаҳрамонлари П. И. Беляевга ва А. А. Леоновга космик парвозлар асосчиси К. Э. Циолковский номидаги олтин медалларни ҳамманинг олқиши остида топширади.

Кема командири космонавт учувчи Павел Иванович Беляевга сўз берилади.

У, мана шу ажойиб парвоз тўғрисида батафсил ҳикоя қилиб беради. Жаҳонда биринчи бўлиб одамнинг бевосита космик фазога чиққанлиги мана шу ажойиб парвознинг зафарли энг катта якуни бўлди. Икки ўринли «Восход-2» космик кемаси 26 соат ичида Ер атрофини 17 мартдан зиёдроқ айланиб чиқиб, 720 минг километрдан кўпроқ масофани босиб ўтиб, 19 мартда Москва вақти билан соат 12-02 минутда Пермь шаҳри районида эсон-омон ерга қўнди.

«Восход-2» кемасининг парвози, деди унинг командири, совет олимларининг ақли ва билимлари, конструкторлар, инженерлар, техникларнинг ўткир заковати, ишчиларнинг моҳир қўллари биринчи даражали космик кемалар ва учирувчи ракеталар яратиб бера олишини яна бир марта кўрсатди.

...Берилган топшириққа кўра, деб давом қилди П. И. Беляев, Ернинг сунъий йўлдоши орбитаси бўйлаб бутун кун бўйи учиш ва шу учиш вақтида одамни кемадан космик фазога чиқаришни тажриба қилиб кўриш планлаштирилган эди. Илмий кузатишлар ва тадқиқотлар олиб бориш кўзда тутилган эди. Шу кузатишлар ва тадқиқотлар вақтида медицина-биологияга доир экспериментлар ўтказилиши, космик навигация элементлари ҳал қилиниши, Ер атмосферасини кузатиш ва ўрганиш керак эди.

П. И. Беляев экипажни олдиндан тайёрлаб қўйишнинг катта аҳамияти борлигини айтиб ўтди ва бундай тайёргарлик экипажнинг бир-бири билан боғланиб ишлашини аниқ таъминлаганлигини кўрсатиб ўтди.

«Восход-2» кемаси бундан олдинги кемалардан фарқ қилганлиги ва учиш программасига кўра, одамни космик фазога чиқаришни тажриба қилиб кўриш планлаштириб қўйилганлиги сабабли, бизни тайёрлаш анча мураккаблаштирилган эди. Биз кемани яратаётган конструкторлар билан яқиндан алоқа қилиб турдик, кеманинг турли системаларини синаб кўришда қатнашдик, деди космонавт.

Машқ кемасида бизни кўп марталаб машқ қилдиришди. Шу кемада биз Алексей Леонов билан учишнинг турли босқичларида ва айниқса Леоновни космик фазога чиқариш ҳамда кемага қайтиб кириши даврида бир-биримизга кўмаклашиб қилишимиз лозим бўлган ишларни шу қадар кўп машқ қилдикки, натижада биз бу ишларни автоматдек бажарадиган бўлиб қолдик.

Агар менга, деди П. И. Беляев, шуларнинг ҳаммаси осонми ёки оғирми эди, деб савол беришса, мен осон эмас, деб жавоб берган бўлур эдим. Алексей Леонов ҳам менинг бу гапимни тасдиқлайди, деб ўйлайман.

Кема командири учиш программасини бажаришдаги асосий босқичларни батафсил гапириб берди.

Программа тўлиқ бажарилди. Одамни космик фазога чиқариш тажрибасини ўтказишни орбитага чиқиб олганимиздан кейин бевосита бошлаб юбордик. Дўстим Алексей Леонов космик фазога чиқиш учун қилинадиган тайёргарлик ишларининг ҳаммасини аниқ бажарди ва менинг командамни сабрсизлик билан кутиб турди.

Кема командирининг ўз дўсти тўғрисида ҳазил қилиб айтган қуйидаги гаплари залдагиларни жонлантириб юборди: «у, ҳатто программада мўлжаллаб қўйилган муддатдан олдиноқ космосга сакраб чиқмоқчи бўлган эди-ю, лекин мен уни ушлаб қолдим. Программа бўлгандан кейин уни бажариш керак-да, чунки мен экипаж командири бўлганим учун бу программанинг бажарилишига жавобгарман».

Алексей Леонов ҳаётини таъминлаш системаларининг ҳаммаси нормал ишлаб турганлигига, унинг томир уриши ва нафас олиши нормада эканлигига қаноат ҳосил қилганимдан кейин, деди гапини давом эттириб П. И. Беляев, белгилаб қўйилган вақтнинг худди ўзида мен унга космик фазога чиқиш тўғрисида команда бердим.

Леонов космик фазода бўлган вақтда мен унинг ҳамма ҳаракатларини телевизион аппаратлар ёрдамида кузатиб турдим. Мен, ҳатто скафандрдаги майда детальларни ҳам телевизорда аниқ кўриб турдим.

Леонов билан биз телефон орқали доимий алоқа қилиб турдик, кема кабинасига ўрнатилган асбоблар эса, якка тартибдаги ҳаётни таъминлаш системасининг ишини, шунингдек Леоновнинг томир уруши ва нафас олишини контрол қилиб туришга имкон бериб турди.

П. И. Беляев журналистларга шундай қизиқ фактларни ҳам айтиб берди: Леонов космик фазога чиқаётган ва шу космик фазода бўлган вақтида унинг кемадан чиқаётгандаги ҳаракатлари кема ҳаракатига таъсир қилганлиги маълум бўлди. Леонов кема бўйлаб у ёки бу томонга ўтгудек бўлса, бу нарса кеманинг ҳаракатида аниқ сезилиб турди. Кеманинг сиртида Леоновнинг юриши ва унга туртилиши кеманинг ичида ҳамиша яхши эшитилиб турди.

Бинобарин, космик фазода турган космонавтни контрол қилиб туриш соҳасида кўзда тутилган ҳамма системалардан ташқари, контрол қилиб туришнинг қўшимча равишдаги товуш «системаси» ҳам пайдо бўлди.

«Восход-2» кемасининг ҳамма системалари ва ускуналари бутун учиш давомида нормал ишлаб турди. Кабина ичидаги температура Цельский бўйича 18 градусга яқин иссиқ, намлик — 35—40 процент, босим — 1 атмосфера бўлиб турди.

Айрим илмий экспериментларни ва кузатишларни бажаришда ўзимизга ўнғайлик туғдирмоқ учун скафандрнинг элементларидан ўзимизни қисман бўшатиб қўйган вақтларимиз ҳам бўлди: гермошлемни, ботинкаларни, қўлқопларни баъзан ечиб қўйдик.

П. И. Беляев учишнинг муҳим моментини — орбитадан тушиш ва Ерга қўнишни батафсил тасвирлаб берди:

(Давоми иккинчи бетда).

ЮЛДУЗЛАР САРИ ҚАДАМ

«ВОСХОД-2» КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

(Бошн 1-бетда).

«Программага кўра, биз Ер атрофини ўн еттинчи марта айланиб ўтаётган вақтда, Қуёшга ориентация қилиш системасидан фойдаланиб, автоматик цикл бўйича Ерга томон туша бошлашимиз керак эди. Шуни айтиш керакки, бошқариладиган бундан олдинги космик кемаларнинг ҳаммаси худди шу тарзда Ерга қўнган эди. Кемани қўндиришнинг автоматик системаси ишламай қолган тақдирда, такрорий ориентация системасидан фойдаланиб, қўл билан бошқариш цикли бўйича Ерга қўниш ҳамиша мумкин бўлур эди. Бизнинг космонавтларимиз қўнишнинг қўл билан ишлатиладиган системасидан фойдаланишни кўпдан бери орзу қилиб келар эдилар, Ер юзида ўтказилаётган машқлар вақтида бундай қўнишнинг ҳадисини олган эдилар ва космик учишда бундан фойдаланишга тайёр эдилар. Биз ҳам бунга шайланиб қўйган эдик».

Эътироф қилиб сизларга шуни айтишим керакки, деди П. И. Беляев, ўзимиз хоҳлаган ишни бажариш имкониятини биздан тортиб олаётган автоматдан биз, космонавт учувчилар, ҳатто хафа бўлсак ҳам. бу сиримизни айтмас эдик. Аммо, худди биз билан ўчакишгандай, бу автоматика ҳамиша жуда яхши ишларверди.

Автоматик цикл бўйича қўнишга тайёргарлик кўрилаётганида, Қуёшга ориентация қилиш системасининг ишида оз-моз нормалсизлик борлигини сезиб қолдик, бу ҳол бизни, ҳатто қувонтириб юборди. Чунки энди қўл системасидан фойдаланиб Ерга қўниш ва бошқариладиган совет космик кемаларининг яна бир ажойиб қобилиятини намойиш қилиш имконияти пайдо бўлиб қолди. Демак, эндиликда биз совет космик кемаларининг том маъноси билан бошқариладиган кема эканлигини кўрсатишимиз мумкин эди. Очиғини айтганда, биз, шундай қилишимизга рухсат бермасмикинлар, деган нарсадан хавотирда эдик, ҳолос. Чунки Ер атрофини навбатдаги айланиб чиққандан сўнг автоматик тарзда пастга туша бошлаш системасидан фойдаланиш мумкин эди.

Биз ўз фикримизни айтиб ва қўл системасидан фойдаланган ҳолда, қўнишга рухсат сўраб берган саволимизга жавоб келгунча ўтган тахминан 30 секунд вақт биз учун жуда узоқ бўлиб кўринди. Ниҳоят, бизга 18-айланишда қўл системасидан фойдаланиб қўнсангиз «майли», деб жавоб беришди. Ердагилар бизга бемалол ишонишар эди ва биз бу вазифани бажаришимизга шак-шубҳа қилишмас эдик.

Ерга қўндирувчи қўл системаси бенуқсон ишлади ва биз тахминан мўлжалланган жойимизга бориб кўндик, лекин бундай қўниш янгилик бўлгани учун сал нарига ўтиб кетибмиз. Бу нарса ҳар қандай кутилмаган ва тасодифий ҳолларга йўл қўймайдиган космик техникамизнинг имкониятлари кагталигини яққол кўрсатувчи яна бир далил бўлди.

Мен қирувчи-учувчи бўлганлигим сабабли орттирган тажрибам космик кемани муваффақиятли қўндиришимга ёрдам берди. Космик кемани қўндиришда қўл билан ишлатиладиган система ишончли система бўлиб, бундан кейинги учишларда бу системани муваффақиятли қўлланиш мумкин. «Восход» космик кемасида илгари қўлланилган юмшоқгина қўндириш системаси жуда яхши ишлади.

П. И. Беляев ўз гапининг охирида жонажон юртимизда космонавтларнинг қизғин кутиб олинганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

Биз Москвага қайтиб келган кунимизда, деб давом қилди у, АҚШда ичига космонавтлар Грисом билан Янг тушган ва бошқариладиган «Жеминай» космик кемаси Ер атрофидаги орбитага чиқарилди. Бу — АҚШнинг миллий муваффақиятидир. Америкалик мард космонавтларни табриклаймиз ва қутлаймиз.

Бизнинг космонавтларнинг ва америкалик космонавтларнинг парвозлари фан ва бутун инсоният манфаатлари йўлида Коинот сирларини очишга қаратилган парвозлар бўлиб қолсин.

«Космосда сузган киши» космонавт А. А. Леонов минбарга чиққанида, залдагиларнинг кайфи яна ҳам чоғ бўлиб кетади, ҳамманинг эътибори кучаяди.

У, бутун дунё гувоҳи бўлган фавқулодда воқеанинг «увертюраси» тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Фазода беш қадам босишдан олдин жуда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Тажрибалар ўтказмоқ учун кеманинг, шлюз камерасининг нусхалари ясалди, термобарокамерада тамомила бўшлиқ шароити вужудга келтирилди. Мана шундай шароитда, деди А. А. Леонов, биз скафандрлар кийиб олиб, космосга чиқишда қилинадиган ҳаракатларнинг ҳаммасини бирма-бир машқ қилдик ва тегишли малака ҳосил қилдик.

Одамдан ташқари экспериментнинг таркибий қисми бўлган ҳамма операциялар тўғрисида: одамнинг инсоният тарихида биринчи бўлиб кемадан очиқ космик фазога чиққанлиги тўғрисида А. А. Леоновнинг айтиб берган гапларини журналистлар диққат ва эътибор билан тингладилар.

А. А. Леонов, жумладан, бундай дейди:

Орбитага чиқиш биланоқ биз дарҳол экспериментни ўтказишга тайёргарлик кўришга киришдик. Шлюз камерасига чиқишдан олдин, кема кабинаси ичида турибкомандир ёрдами билан мен ҳаётни таъминлайдиган мустақил системалар ўрнатилган коптнинг ичига кириб олдим ва шу қоп ичида ҳаёт кечиришга ўтдим. Шу системаларнинг ишлашини текшириб чиқдик. Камеранинг ичидаги босимни билан кабинанинг ичидаги босимни бараварлаштирдик. Сўнгра кема кабинаси люкининг қопқоғини очиб, шу люк орқали шлюз камерасига сузиб ўтдим. Скафандр ичига босим бердим, унинг герметиклигини (ҳаво ўтказмаслигини) текшириб кўрдим, гермошлем ёпилишини ва ундаги ёруғлик фильтрининг ҳолатини текшириб кўрдим. Скафандр ичига кислород ўтаётганлигини текшириб кўриб ва кемадан космосга чиқиш учун қилинадиган ҳамма ҳаракатларни яна бир марта фикран кўз олдимга келтириб, космик фазога чиқишга шайланиб турдим.

Павел Иванович кема кабинаси люкининг қопқоғини ёпиб қўйди. Командир камеранинг босимини йўқотиб космосга чиқадиган люк қопқоғини очди. Қуёшнинг кўз қамаштирадиган нури билан шлюз камерасининг ички лиқ тўлди. Космик бўшлиққа йўл очиқ эди. Мен тезроқ сиртга бош чиқаришни сабрсизлик билан кутдим. Командирдан илтимос қилдим, лекин ҳамма нарса планга кўрсатилгандек бўлиши керак эди, шошилишнинг ҳожати йўқ эди. Ниҳоят ҳамма нарса тайёр. Чиқиш мумкин.

Бепоён космос ўзининг тасвирлаб бўлмайдиган бутун гўзаллиги билан менинг кўз олдимда намоён бўлди. Дафъатан Ерга қарадим. У, менинг кўз олдимда улуғвор сузиб ўтди. Ер ясси бўлиб кўринди. Унинг чеккаларидаги қийшиқликкина Ернинг барибир думалоқ эканлигини эслатиб турарди. Ёруғлик фильтри етарли даражада қалин бўлишига қарамай мен ярқираб турган булутларни, Қора денгизнинг кўмкук сувини, соҳилнинг чеккаларини, Кавказ тизма тоғини, Новороссийск кўрфазини кўрдим. Шошилмай шлюздан чиқиб олиб, сўнгра енгилгина люкдан кетди, кема сиртида бўлишнинг охирги онлари бошланди. Менинг космосга чиқишимни кинопленкага олган киноаппаратни кўчириб олиб дарров люк ичига киришга уриндим. Лекин бу унчалик осон иш бўлиб чиқмади. Ҳар қолда ҳаво билан бўрттириб қўйилган скафандр ичидаги ҳаракат бир мунча чекланган бўлади. Анча жиддий жисмоний куч сарфлашга тўғри келди, шу сабабли космос билан ҳайрлашувим бироз чўзилди. Ниҳоят мен яна шлюз ичига ўтиб олдим ва орадан сал вақт ўтгач, кабина ичига кириб, Павел Иванович ёнидан жой олдим. У мени кемадан космосга чиқиш программасини эсон-омон тамомлаганлигим билан муборакбод қилди.

Анчагина зўр жисмоний иш қилган бўлишимга қарамай, ҳаётни таъминловчи мустақил ишлайдиган система жуда яхши ишлайдиган бўлиб чиқди, шу сабабли ҳаво етишмаслигини ёки температураниг ноқулай ўзгаришини сезганим йўқ. Аммо креслога ўтириб олганимдан кейин пешонамдан ва чеккаларимдан тер оқиб тушаётганлигини сездим. Баъзи журналистлар космосни мароқли сайр қилинадиган жой билан таққослайдилар. Бундай таққослаш учун менимча ҳали вақт эрта. Бизлар кўп ойлаб ҳар томонлама тайёргарлик кўрмаганимизда эди (бу хусусда жуда кўп гапирилди) олдимга қўйилган вазифани шу қадар осонлик билан ҳал этишга муваффақ бўлолмас эдим, бунга ишончим комил.

А. А Леонов космосга бемалол чиқиш тажрибасига асосланиб қуйидаги хулосаларга келди:

Кемадан очиқ космосга чиқиш бемалол мумкин ва эндиликда бу нарса инсон учун қандайдир сирли бир нарса эмас.

Ҳаётни таъминлайдиган ва мустақил ишлайдиган тегишли системалар ўрнатилган махсус скафандр ичига тушиб олиб космосга чиққан киши очиқ космосда яшабгина қолмасдан, шу билан бирга муайян мақсадга қаратилган ва уйғунлаштирилган муайян операцияларни бажариши ҳам мумкин.

Очиқ космосда жисмоний ҳаракатдаги ишларни ҳам бажариш мумкин, шунингдек илмий кузатишлар ҳам ўтказиш мумкин.

Одамнинг космосда биринчи қадамлар қўйган сўқмоғи, деди ишончи билан А. А. Леонов, Коинотни забт этишга олиб борадиган кенг йўлга айланиб кетади. Бизнинг мамлакатимиз, совет халқи ер юзида тинчликни барқарор қилиш соҳасида жуда катта иш олиб бормоқда, шу сабабли «Восход-2» кемасининг парвози биринчи навбатда тинчлик ишига, илғор фанни тараққий эттириш ишига хизмат қилади. Бу парвоз билан биз одамнинг одам устидан ҳукмронлигини эмас, балки одамнинг табиат кучлари устидан ҳукмронлигини барқарор қилаётирмиз.

Партия, ҳукумат ва халқнинг юксак ишончини оқлаганлигимиз учун фахрланамиз ва бизнинг ишимизни тақдирлаб қилинган иззат-икром ва берилган мукофотлар учун бениҳоя миннатдормиз.

* * *

Сўнгра олимлар ва космонавтлар журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтаришди.

* * *

МОСКВА, 26 март. (ТАСС). Бугунги матбуот конференциясида совет космонавтлари ва олимлар мухбирларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтаришди.

Кема командири Павел Беляев саволлар ёзилган бир тўда қоғозни қўтариб минбарга чиқди. Журналистларнинг саволларига унинг берган жавобларидан баъзиларини қуйида келтирамиз.

Савол. «Восход-2»нинг капсуласи ҳозир қаерда турибди? Ерга қўнилган жойдан уни қандай қилиб ва қачон олиб кетишди?

Жавоб. «Восход-2» космик кемаси космодромда турибди. У Ерга қўнган жойидан авиация воситалари ва кучлари билан космодромга олиб келинди.

Савол: Икки кишидан иборат экипажи бўлган «Восход-2» типидаги космик кема Ер атрофидаги орбитада қанча вақт тура олган бўлур эди?

Жавоб: Бир ойдан кўпроқ.

Савол: «Восход-2» типидаги космик кемалар «Полёт» кемаси сингари маневр қила оладими ва орбитасини ўзгартира оладими?

Жавоб: Ҳа, аммо бу парвозда маневрлар қилиш учиш программасида кўзда тутилмаган эди.

Савол: Бу сафарги учишда ўтказилган медицина ва биология кузатишлари қандай вазифаларни бажариши керак эди?

Жавоб: «Восход-2» парвозининг медицина-биология программасидаги хусусият шундай бўлдики, космик фазога чиқиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш чоғидаги психо-физиологик хусусиятларни, шунингдек ҳаракатлар биомеханикасини махсус ўрганиш керак эди. Космосда одамнинг ишлаш қобилияти проблемасини ўрганишга катта эътибор берилди.

Савол: Бундан олдинги йилларда, космик кемалар учиб бўлиб қайтиб тушганидан кейин бу кемалардан яна фойдаланиш мумкин дейилар эди. Бу гап «Восход-2» кемасига ҳам тааллуқлими?

Жавоб: Ҳа, тўла равишда тааллуқли.

Савол: Ерга қўниш натижасида кема дарахтларга дуч келмадими ва Ерга қўниш натижасида кема қанчалик шикастланди?

Жавоб: Кема Ерга жуда юмшоқ қўнди, у ҳеч бир шикастланмади.

Савол: «Восход-2» кемасида қўлланилган бошқариш системасини Ойга қўниш учун, яъни Ойга шу кеманинг юмшоқ қўниши учун яроқли деса бўладими?

Жавоб: Бир оғиз гап билан айтиш қийин. Ҳозирги вақтда Ойга қўниш системаси ҳақида гапириш ҳали эрта.

Савол: Сиз космосда чиққан биринчи одамнинг бўлиб қолмасдан шу билан бирга космонавт рассом ҳамсиз. Айтиб берингчи космоснинг туси қанақа? Сиз Ерда ишлатиб келган ранг-баранг бўёқлар тусини космосда ҳам учратдингизми?

Жавоб: Мен чизган расмлар матбуотда биринчи марта 1961 йилда эълон қилинди. Улар — космик пейзаж эди. Мен бу расмларни чизиш учун космосга учиб қайтган ўртоқларимнинг ҳикояларидан фойдаланганман, уларнинг ҳикоялари асосида космос расмини чизганман. энди мен космосни ўз кўзим билан кўрганимдан кейин хато қилмаган эканман, деган фикрга келдим.

Савол: Сиз кемадан сиртга чиққанингизда бирор товуш эшитдингизми? Бу товушлар кема товушимиди ёки бошқа бирор товушлармиди?

Жавоб: Мен ёқимли товушларни эшитдим. Бу — парвоз тўғрисидаги хабарни эълон қилаётган Левитаннинг овози эди.

Савол: Сиз кемадан ташқарида бўлган вақтингизда ниманинг винтларини бураб очиб-ёпдингиз, бунинг учун сиз махсус асбобдан фойдаландингизми?

Жавоб: Махсус асбобдан фойдаланиш гарчи мумкин бўлса ҳам мен ундан фойдаланганим йўқ. Мен камерани демонтаж қилдим ва шундан олдин унинг қопқоғини олиб бу қопқоқни янги орбитага улоқтириб юбордим. Бугун сиз фильмни кўрганингизда бунга ўзингиз баҳо берасиз.

Савол: Сиз фал-шланг орқали нафас олиб турдингизми ёки кислороднинг бир қисмини орқанингиздаги баллондан олиб турдингизми?

Жавоб: Бутун чиқарилиш мустақил ишлайдиган ва ранцга ўрнатилган система асосида амалга оширилиб турди.

Савол: Скафандрнинг ичида қандай алоқа воситалари бор эди?

Жавоб: Кема командири билан телефонда гаплашиб турдик. У, фалнинг ичига жойлаштирилган эди. Бундан ташқари, кема командири мен космосда нималар қилаётганлигимни кеманинг ичида батамом эшитиб турганлигини ўзи гапириб берди.

Савол: Келажак учишларда космонавтлар ўзларидаги ҳаракат воситаларидан — реактив двигателлардан, газли пистолетлардан фойдаланиб, кемадан олисрок масофага узоқлаша оладиларми?

Жавоб: Шундай қилишлари мумкин, деб ўйлайман.

Савол: Кемадан ташқарига чиққанингизда кейин ҳушдан кетиб қолсангиз нима бўларди? Сизни бундай ҳолда «Восход-2»га қайтариб олиб кирадиган автоматик асбоблар бормиди?

Жавоб: Кема командири истаган вақтда менга ёрдам бера олган бўлур эди, деб ўйлайман.

Савол: Сиз космосда кемадан сиртга чиқишингизни хотинингиз олдиндан билармиди?

Жавоб: Эҳтимол буни фахмлагандир. Лекин у барибир менинг қайтиб келишимни биларди.

Савол: «Восход-2» учар пайтда сиз ҳазиллашиб, мен баландликда ишлайдиган монтажчи бўламан, деб айтган эдингиз. Монтаж ишлари билан шуғулланиш тадқиқотларингиз вақтида бажариладиган вазифалар қаторига киритилганмиди? Бинокор ва монтажчилик касбини бажарувчи кишилар космосда керак бўлиб қоладими, деган масала бинокорларни қизиқтираётир?

Жавоб: Баъзибир монтаж ва демонтаж ишлари билан шуғулланганлигимни ҳали гапириб ўтдим. Бинокорларга келганда улар тайёргарлик кўра беришлари мумкин, деб ўйлайман.

Савол: «Комсомольская правда» учун сиз учиш бошланмасдан олдин чизган кора-оқ расмни «Дейли уоркер» газетаси босиб чиқарди. Бу учишни тамомлаганингиздан кейин чизган суратингизни қачон кўрсак бўлади?

Жавоб: Совет Рассомлари союзига мени қабул қилишганлигини ҳозир менга айтишди. Бу союз жуда жиддий ташкилот ва улар, айтишларига қараганда, расм чизишга анча узоқ вақт сарфлашади.

Савол: Кема кабинасига қайтиб кирганингиздан кейин скафандрни ечиб қўйдингизми?

Жавоб: Ечсам бўлар эди-ю, лекин ечганим йўқ.

Павел Беляевга яна бир неча савол берилди.

Савол: Космик кема Ерга бевосита қўниши олдидан уни бошқариб туриш мумкинми ва учраши мумкин бўлган тўсиқларни четлаб ўтса бўладими?

Жавоб: «Восход-2» кемаси бунга муҳтож эмас.

Савол: Алексей Леонов космосда сайр қилиб кема ичига қайтиб кирганидан кейин унинг биринчи айтган сўзлари нима бўлди?

Жавоб: у: «Салом, командир!» деди.

Савол: «Жеминай» парвозининг аҳамиятига сиз қандай баҳо берасиз. Космосни ўзлаштиришда америкаликлар совет муваффақиятларига етиб оладилар, деб ҳисоблайсизми?

Жавоб: Америкаликлар бу программани бажаришда янги қадам қўйдилар, деб ҳисоблаймиз.

Савол: Кемани ўрмонга қўндириш унинг ўзи ва экипажи учун хавф туғдирадими?

Жавоб: Йўқ. туғдирмайди. Кема зарарланмади ва яна космосга учиши мумкин.

Савол: Ерга қўнганингиздан кейин Пермга учиб кетгунча вақтингизни қандай ўтказдингиз?

Жавоб: Биз вақтни чакки ўтказмадик, алоқа воситаларини тўғрилаб ишга солдик, гулхан ёқиб ўтирдик, овқатланиб олдик ва олиб кетилишимизни бемалол кутиб турдик.

Сўнгра, журналистларнинг саволларига академик М. В. Келдиш жавоб беради.

Америкадаги «Нью-Йорк геральд трибюн» газетасида яқинда босилган бир материалда, Америка ҳарбий ҳаво кучлари 1952 йилда маймунни 36 миля юқорилика учириб, космик даврни очди, деб қилинган даъво тўғрисида Сизнинг фикрингиз нима, деб олимга савол беришди.

Қандай баландликни космоса қўйилган биринчи қадам, деб ҳисоблаш кераклигини била олмадим, деди М. В. Келдиш, лекин америкаликлар етарли даражада кўпгина жиддий ишларни қилишди ва улар космосни тадқиқ қилиш йўлида ишлаганликларини кўрсатмоқ учун бундай далилнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Савол: Келгуси учишларда космонавтлар бир кемадан иккинчи кемага кўчиб ўтишлари мумкинми?

Жавоб: Шундай қилишлари мумкин, деб ўйлайман. Ўтказилган эксперимент бу йўлда қўйилган катта қадам эканлиги шак-шубҳасиз.

Савол: Катта космик станцияларни орбитада монтаж қилиш олдидан космик учишларнинг яна қандай проблемаларини ҳал қилиш керак бўлади?

Жавоб: Бундай проблемалар кўп, лекин турли космик кемаларни бир-бирига яқинлаштириш шу проблемаларнинг энг каттасидир.

Савол: Совет Иттифоқида 1970 йилга қадар космик тадқиқотларнинг қандай босқичлари ва қандай проблемалари энг муҳим деб ҳисобланади?

Жавоб: Буларнинг ҳаммасини санаб бериш қийин. Лекин космик фазони тадқиқ қилишдаги катта проблемалар — одамнинг космосга учишларини ривожлантириш планеталараро станцияларни вужудга келтириш, бош планеталарга етиб бориш, космик фазонинг физикасини ва бошқа хоссаларини тадқиқ қилиш проблемаларидир.

Савол: Биз совет космонавтлари билан ўтказилаётган олтинчи матбуот конференциясида ўтирибмиз. Еттинчи матбуот конференциясида яна бу йил улар билан учрашамиз, деб умид қилиш мумкинми?

Жавоб: Агар учрашиш яхши нарса бўлса, бунга умид қилиш мумкин.

Савол: Совет космонавтлари космик кемаларнинг орбитасини ўзгартириш мақсадида қачон маневрлар қила оладиган бўлиб қолалилар?

Жавоб: «Восход-2» кемаси маълум маневрлар қилиши мумкинлигини ўртоқ Беляев айтиб ўтди. Мен шуни эслатиб ўтмоқчиманки, орбитасини ўзгартира оладиган биринчи автоматик кемалар бундан бир ярим йил муқаддам Совет Иттифоқида учирилган эди. «Полёт-1» мана шундай кема эди. Сўнгра, «Полёт-2» кемаси учирилди. Бу кема ҳам орбитани автоматик равишда ўзгартириш имкониятига эга эди. Шу системаларнинг ҳаммаси ўша кемаларда синаб кўрилиб, камолга етказилди. Кемаларни орбитада маневр қилдириш имкониятини тўла равишда эгаллаб олганмиз, деб ҳисоблаймиз.

Тим коронги қилиб қўйилган жуда катта залда блокнотлар яна шитирлай бошлади. Матбуот конференциясининг қатнашчилари «Восход-2» кемасининг мисесиз сафарини яна кўришга муваффақ бўлдилар. Кемадаги кинокамера билан суратга олинган ҳужжатли кинокадрлар космонавтларни стартга тайёрлаш қандай борганлигини, Алексей Леоновнинг кемадан космосга чиққанлигини, «Восход-2» кемасининг ичига қайтиб кирганлигини ҳикоя қилиб берди. Фильмнинг охирги кадрларида космонавтларнинг орбитадан Ерга томон пастланишга қандай тайёргарлик кўрганликлари кўрсатилди.

Журналистлар космоснинг янги қаҳрамонларини қизғин табриклашди.

СССР БИЛАН ТУРКИЯ ЎРТАСИДА САВДО БИТИМИ

Москвада 1965 йилнинг 1 апрелидан 1966 йилнинг 31 мартигача бўлган давр учун Совет-Туркия савдо обороти тўғрисида протокол имзоланди.

Протоколда товар оборотини икки баравар кўпайтириш, Совет Иттифоқига Туркиядан чорва моллар, тамаки, жин, пахта, хом тери, майиз, ёнғоқ етказиб беришни анча кўпайтириш кўзда тутилган.

Совет Иттифоқидан Туркияга қилинаётган экспортни, аввало, машина ва ускуналар етказиб беришни кўпайтириш ҳам белгиланди. Совет Иттифоқидан нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металлар прокати, ёғоч-қоғоз товарлари, химикатлар, дори-дармонлар, истеъмол товарлари етказиб беришни кенгайтириш ҳам планлаштирилади. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТАРИХИНИНГ ШОНЛИ САҲИФАСИ

(РКП(б) IX СЪЕЗДИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА

Шонли Коммунистик партия тарихида IX съезд кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти жиҳатидан жуда катта ўрин тутади. Буюк Ленинниг бевосита раҳбарлигида ўтган бу съезд мамлакатни социализмнинг моддий-техника базасини яратишга йўллаган эди.

РКП(б) IX съезди 1920 йил 29 мартда, Москвада, Большой театр биносида очилади. Партиянинг бу форумига бундан олдинги съездларга қараганда энг кўп, яъни 715 делегат қатнашади. Улар 611978 партия аъзоси номидан вакил бўлиб келишган эди. Интервентлар ва оқгвардиячиларга қарши курашдаги катта йўқотишларга қарамай, партия VIII съезд ўтганидан бери ўз сафларини икки баравар кўпайтиришга муваффақ бўлган эди.

Мамлакатда вазият оғир эди. Ёш Совет Республикаси оғир иқтисодий вайронгарчиликни бошидан кечирарди. Йирик саноат маҳсулоти 1913 йилдаги даражадан қарийб етти баравар камайиб кетганди. Кўпчилик завод ва фабрикалар ишламай қўйган; анчагина шахта ва конлар сувга ғарқ бўлган; темир йўл транспорти деярлик тўхтаб қолган эди. Мамлакатда озиқ-овқат танқислиги айниқса қаттиқ сезиларди. Ана шундай оғир тарихий шароитда коммунистлар ўз партияларининг IX съездига тўпланишди.

Съезд кун тартибида Советлар Республикасининг интервентлар ва оқгвардиячиларга қарши олиб борган голибона урушига якун ясаш ҳамда мамлакат ҳалқ хўжалигини тиклашнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини ҳал этиш масалалари турарди. Владимир Ильич Марказий Комитетнинг сиёсий фаолияти тўғрисида доклад қилди, хўжалик қурилиши, кооперация ҳақида нутқ сўзлади ва Марказий Комитет аъзолигига номзодлар рўйхати хусусида таклиф билан сўзга чиқди.

Марказий Комитетнинг сиёсий докладида В. И. Ленин кучсиз ва қолоқ мамлакат капиталистик дунёнинг энг кучли давлатлари билан бўлган жангда тез ва қатъий ғалабага эришганлигининг сабабларини чуқур анализ қилиб берди. Бир қатор муҳим сабаблар ичида Владимир Ильич марказлаштиришни, интизомни ва ишчилар синфи, унинг коммунистик авангарди кўрсатган қулоқ эшитмаган фидокорликни биринчи ўринга қўйди. У бундай деган эди: «Партия ҳушёр бўлиб турганлиги, партия интизомга жуда қатиқ риоя қилганлиги орқасида ва партиянинг обрўси барча идора ва муассасаларни бирлаштирганлиги ҳамда Марказий Комитет томонидан майдонга отилган шиорга ўнларча, юзларча, мингларча ва ниповардида миллионларча кишилар ҳудди бир кишидек бўлиб эргашганликлари учун ва фақат мисли кўрилмаган қурбонлар берилганлиги учун, — фақат шунинг учунгина юз берган мўъжизанинг рўй бериши мумкин бўлди».

Совет Россияси ишчилари ва деҳқонлари 1918—1920 йилларда қўлга киритган ғалабада Коммунистик партия уюштирувчи ва илҳомлантирувчи раҳбар куч сифатида жуда катта роль ўйнади. Халқ билан бирлашиб кетган партия оғир синовдан муваффақиятли ўтиб, босқинчиларга қарши умумхалқ зарбасини ташкил этишда катта тарихий тажриба орттирди. Бу тажриба ва революцион енгувчанлик традицияси фашист ғалаларига қарши олиб борилган муқаддас Улуғ Ватан урушида ҳам яққол намоён бўлди ва янада бойиди.

В. И. Ленин ўз докладида Советлар республикасининг империалист йиртқичлар устидан эришган ҳарбий ғалабасини катта халқаро аҳамиятга эга деб баҳолади ва тинчлик байроғини баланд кўтарган Советлар мамлакатининг халқаро обрўси муқаррар ортиб кетишига чуқур ишонч билдирди. Тинчлик учун бўлган урушни биз фавқулодда юксак ғайрат билан олиб бордик ва бу уруш ўзининг ажойиб натижаларини беради, деган эди у. Владимир Ильич бундан буён ҳам тинчлик учун курашни сира бўшаштирмаслик кераклигини ва бир-бирига қарамақарши бўлган икки системанинг тинч-тотув яшаши принципини ишчиллик билан ўтказиш зарурлигини уқтирди.

Партия ва давлатимиз асосчисининг чуқур илмий башорат билан айтган бу йўл-йўриқлари КПСС ва Совет ҳукуматининг бутун фаолиятларида ўз ифодасини топиб келмоқда. Партия Программасида «КПСС СССРда коммунистик жамият қуриш учун ва жаҳон социализм системасини ривожлантириш учун тинч шароит таъминлашни ҳамда барча тинчликсевар халқлар билан бирликда, инсоният қирғинлик келтирувчи жаҳон урушидан қутқаришни ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятининг асосий мақсади, деб билади». Совет Иттифоқи ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатини изчиллик билан ҳимоя қилиб келди ва. Программада айтилганидек, бундан буён ҳам ҳимоя қилади. Империализм сақланиб қолар экан, агрессив урушлар хавфи қолаверади, деган қоидага асосланган КПСС ва Совет ҳукумати мамлакат мудофаа қобилиятини ҳам ҳар томонлама мустаҳкамламоқдалар.

РКП(б) IX съезди делегатлари диққат марказида турган энг муҳим масала — хўжалик қурилиши масаласи эди. Ленин ўз доклади ва нутқларида мамлакат хўжалик қурилиши ва социализм моддий-техника базасини яратишнинг реал шарт-шароитлари проблемаларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилди. Бу ишда ишчилар синфи ирода сининг абсолют бирлиги зарур, меҳнаткашларнинг онгли интизоми ва фидокорлигисиз хўжаликдаги вайроналикни енгиб бўлмайди, деб таълим берди у. Съезд ишлаб чиқаришга индустриал пролетариннг ҳаммасини жалб этиш, меҳнат мажбуриятига оммавий сафарбарликни ташкил этиш, хўжаликни ҳарбийлаштириш ва ҳарбий қисмларни хўжалик фронтига кенг жалб этишни таклиф қилди. Интервенция ва граждандар уруши ҳали тамом бўлмаганлиги учун съезднинг хўжалик қурилиши соҳасидаги қарорлари ҳарбий коммунизм сиёсатига асосланган эди.

Саноатни бошқаришни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Гап тўла ҳуқуқли, мустаҳкам ва ғайрат-ташаббусли раҳбарлик устида, ишлаб чиқаришни бошқаришни саноат корхоналари нормал фаолияти учун зарур шарт-шароитлар тугдирадиган яккабошчиликка яқинлаштириш устида борарди. Хўжалик қурилишидаги партия сиёсатига Сапронов, Осинский, В. Смирновлардан иборат «демократик централизм» группаси қарши чиқди. Бу антипартиявий группа «коллегиячилик» ниқоби остида саноатни идора қилишда масъулиятсизликни ҳимоя қилган эди.

В. И. Ленин бу группага кескин қарши чиқди. Синфнинг ҳақиқий ҳукмронлиги ишлаб чиқаришни бошқариш формаларида эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш формасида намоён бўлади, деб тушунтирди у. Пировардида съезд антипартиявий таклифларни бутунлай рад этди.

Съезднинг хўжалик қурилиши масалалари юзасидан қабул қилган қарорларида ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг қудратли фактори бўлган меҳнат мусобақасига катта эътибор берилди. Оммани мусобақага кенг кўламда жалб қилиш учун мукофотлаш системасини изчил амалга ошириш зарур деб кўрсатилди. Ҳаракатчан ва ҳалол меҳнат қилувчи ишчи ишёқмас, дангаса ишчига қараганда яхши таъминланган бўлиши керак.

Моддий манфаатдорлик принципи коммунизм қурилиши авж олдирилган ҳозирги даврда ҳам катта роль ўйнаётир. У коммунизм моддий-техника базасини яратишда қудратли стимул вазифасини ўтамоқда. КПСС Программасида айтилганидек, партия, коммунизм қурилиши моддий манфаатдорлик принципига таяниши лозим, деган ленинча қоидага асосланади. Меҳнатга қараб ҳақ тўлаш яқин йигирма йил мобайнида меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Шу съездда 1920 йил 1 майда Бутунроссия шанбалигини ўтказишга қарор қилинди. Тинч социалистик қурилиш даврига кириш совет кишиларида буюк меҳнат активлигини пайдо қилгани ана шу шанбаликда ёрқин намоён бўлди. Москвада 500 минг киши, Ленинградда эса 200 минг киши шанбаликка чиқди. Шанбаликда партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳам иштирок этишди. В. И. Ленин Кремль шанбалигида ишлади, М. И. Калинин эса шанбаликни Михельсон заводи ишчилари билан бирга ўтказди. Машҳур шанбаликда мамлакат меҳнаткашлари ҳарбий фронтда Ватанни қанчалар садоқат билан ҳимоя қилган бўлсалар, меҳнат фронтида» ҳам шунчалар шижоат кўрсатишга тайёр эканликларини намойиш қилдилар.

Съезднинг «Хўжалик қурилишининг навбатдаги вазифалари тўғрисида» қабул қилган резолюциясида мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий шарти бўлган ягона хўжалик планини жорий қилиш муҳимлиги уқтирилган эди. Бу планнинг асосини мамлакатни электрлаштириш ташкил этиши керак. Электрификация, транспорт, ёқилғи саноати ва металлургияни кенг кўламда ривожлантиришни кўзда тутган ягона хўжалик плани съездда қабул қилинади. Бу моҳият эътибори билан Советлар мамлакатининг социализм қурилишда мўлжалланган биринчи перспектив плани эди. IX съезд директивалари кейинчалик ГОЭЛРОга асос қилиб олинди.

Мамлакатнинг урушдан тинч хўжалик қурилишига ўтиши шароитида касаба союзлари, кооперация ва партия ташкилотларининг ўрни ва роли тўғрисида съезд қабул қилган қарорлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Партия олдида турган буюк вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шарти коллектив партия раҳбарлигида, энг биринчи навбатда партия Марказий Комитети раҳбарлигида деб ҳисоблаган эди Ленин. КПСС Марказий Комитетининг октябрь ва ноябрь (1964 йил) Пленумларининг қарорлари Владимир Ильичнинг ана шу таълимоти билан суғорилгандир. Партиямиз, унинг Марказий Комитети ҳозир партия ҳаётининг ленинча нормаларини, раҳбарликда коллективчилик принципини изчил ва қатъиятлик билан амалга оширмоқда.

РКП(б)нинг IX съезди қарорлари мамлакатда социализмнинг моддий-техника базасини яратишда катта роль ўйнади. Социализмнинг мустаҳкам базасига таянib, эндиликда халқимиз коммунизмнинг қудратли моддий-техника базасини вужудга келтирмоқда. Съезд минбаридан янграган ва унинг қарорларида ўз аксини топган ленинча ғоялар эса коммунизм сари бораётган йўлимизни ёритиб турибди.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

ПРОПАГАНДИСТ — ИДЕОЛОГИЯ ФРОНТИНИНГ АКТИВ КУРАШЧИСИ

АМАЛИЙ ЁРДАМНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Пойтахтимизда сиёсий маориф тармоқлари тобора кенгайиб улардаги ўқувнинг янги форма ва методлари шаклланиб боряпти. Ҳозирги вақтда шаҳардаги сиёсий тўгарак, назарий семинар ва коммунистик меҳнат мактабларида 145 мингдан ортиқ киши ўқиб, ўз савиясини оширмоқда.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумидан кейин пропагандистларнинг сафи ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан анча яхшиланди. Энди улар орасида кўплаб партия, совет, комсомол ва хўжалик органларининг раҳбарларини, инженер-техник ходимлар, мактаб ва олий ўқув юртларининг тажрибали ўқитувчиларини учратиш мумкин. Машғулотлар назарий жиҳатдан анча юқори савияда ўтмоқда, уларда ишлаб чиқаришнинг конкрет масалаларига тобора кўпроқ эътибор берилаётир.

Бу ишда область ва шаҳар партия комитетлари ҳузуридаги сиёсий маориф уйи, шунингдек район партия комитетлари ҳамда қатор саноат корхоналарида ташкил этилган сиёсий маориф кабинетларининг роли янада ошди. Пропагандистларнинг назарий жиҳатдан етук ва методик маҳоратлари янада юқори бўлишига эришиш уларнинг энг асосий вазифаси бўлиб қолди.

Район партия комитетларида пропагандистлар учун мамлакатимизда коммунизм қурилиши, ҳозирги босқичда жаҳон социалистик системасининг стратегияси ва тактикаси проблемалари бўйича тез-тез назарий семинарлар ўтказиб туриш яхши одат бўлиб қолди. Бундай семинар машғулотларида таниқли олимлар, партия ва совет раҳбар ходимлари иштирокида лекция ва суҳбатлар уюштириляпти.

Масалан, тарих фанлари доктори А. И. Зевелев, тарих фанлари кандидати А. Ф. Водолазский ва бошқа катор олимларнинг лекциялари назарий далилларга бойлиги, методик жиҳатдан эса юксак маҳорати билан ажралиб туради.

Пропагандистлар учун ана шу хилдаги семинар машғулотлари Куйбишев, Ленин ва Киров районларида мунтазам ўтказиб турилади. Шу районлардаги сиёсий маориф кабинетларининг мудирлари А. Муҳаммадалиев, Ф. Полькин ва Р. Познухова ўртоқлар семинарларни яхши ташкил қилиб, ҳар бир машғулотнинг мазмунли ўтишига эришмоқдалар.

Пропагандистларимиз ўрганилаётган мавзунинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан юқори, унинг коммунистик қурилиш тажрибаси, корхона ёки муассасанинг кундалик амалий ҳаёти ва олдида турган вазифалари билан мустаҳкам боғланган бўлиши учун курашаяптилар.

Масалан, республика савдо министрлигида ташкил қилинган тўгарак пропагандисти А. С. Белуджев ҳар бир машғулотнинг пухта ўтишига ҳаракат қилади. У «КПСС Программасида давлат тўғрисидаги марксча-ленинча назариянинг ривожлантирилиши» деган темани жуда яхши ўтди. Мазкур темани назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, уни асосли далиллар билан тушунтириб берди. Сўнгра тингловчиларнинг ўзлари пропагандист берган саволлар бўйича сўзга чиқдилар. Тўгарак тингловчиларидан ўн киши энг яхши жамоатчи бўлиб, партия бюроси ва маҳаллий комитет аъзолари ҳамдир.

Область ва шаҳар сиёсий маориф уйи район сиёсий-маориф кабинетлари ишига раҳбарлик қилиб, уларга пропагандистлар билан семинар машғулотларини назарий ва методик жиҳатдан етук ўтиши учун ҳар тарафлама ёрдам бераяпти, пропагандистлар резерви тайёрлаяпти.

Пропагандистлик маҳорати мактабининг иши ҳам диққатга сазовор. Бу мактабда марксча-ленинча назария ва уни ўқитиш методикасига доир лекциялар ўқилади. Жумладан, профессор В. И. Марковнинг «Ленин пропагандистнинг методик маҳорати ҳақида» деган мавзуда ўқиган лекцияси тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Маҳорат мактабида айрим машғулотларни ўтишда кинофильмлар намойиш қилинади. Зарур сиёсий адабиётлардан иборат китоб кўргазмаси ташкил қилинади. Лекин айрим район партия комитетлари пропагандистлик маҳорати мактабининг ролига етарли эътибор бермаётирлар. Масалан, мактабнинг кейинги уч машғулотида Фрунзе районидан атиги икки пропагандист қатнашди, Чилонзор районидан эса бирорта ҳам пропагандист келмади.

Сиёсий маориф уйи шаҳар партия комитети ходимлари билан биргаликда ўтказган методик конференция ҳам яхши самара берди. Унинг қатнашчилари семинар машғулотларини ўтиш методикаси билан кенг танишдилар.

Шунингдек, пропагандистлар сиёсий маориф тўгаракларида ўрганилаётган семинар бўйича зарур маслаҳатлар ҳам олиб турадилар, методика кенгаши эса улар учун турли хил қўлланмалар ва темалар бўйича саволлар, турли хил адабиётлардан фойдаланишга доир кўрсатмалар тайёрлаб беряпти.

Барча сиёсий тўгарак ва назарий семинар машғулотларининг ҳар томонлама пухта ва мазмунли бўлишига эришиш пропагандистларнинг муҳим ишидир. Бунда сиёсий маориф кабинетлари уларга янада яхшироқ ёрдам кўрсатишлари лозим.

Т. ШАТОВ,
область ва шаҳар партия комитетлари сиёсий маориф уйининг консультанти.



Суратда: пропагандист ўртоқ Қ. Зоиров. В. Салов фотоси.

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИ

У кутубхона залининг бурчагига қўйилган стулда ўйга чўмиб ўтирибди. Олдида турли адабиётлар: В. И. Ленин асарлари, «Политическое самообразование» ва «Партия турмуши» журналлари, газеталар турибди. Ҳаммасини диққат билан бир-бир кўздан кечириб чиқяпти. Навбатдаги машғулотга яна ҳам пухтароқ тайёрланиш керак. Машғулот темаси анча мураккаб — «Марксизм-ленинизм шахс ва омманинг тарихий тараққиётдаги роли тўғрисида». Масалага яқинроқ ёндошмасанг, лекциянг фактларга бой бўлмаса, тингловчиларни зериктириб қўйишинг мумкин.

Яна ўқишга тутинди. В. И. Ленинниинг танланган асарларини варақлаб «Съездга хат» мақоласини топди. Лекциянинг асосий ўзагини шу бўлади. КПСС XXII съезди материалларини В. И. Ленин фикрларига боғлайди. Сўнг ўз корхонасидан мисоллар келтиради. Истаганингизча топилади. Мана, Бэла Абдуроманова. Коммунистик меҳнат бригадасига бош ўзи. Эллик кишига раҳбар. Бригада аъзолари бирор сўмлик маҳсулотни ҳам брак қилганларини ҳеч ким эсламайди. Москва ва ленинградлик саноатчилар ташаббусига корхонада биринчи бўлиб қўшилган Бэла Абдуроманова бошлиқ коллектив сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда барчага ўрнак бўлмоқда. Илғорлар ҳақида гап кетганида доимо шу аелнинг номини тилга олишади. Хўш, Бэланинг обрўсини кам оширди фабрикада. Шу одамлар, Бэла уларга гамхўр ва талабчан. Ютуқлари билан ҳеч мағурланмайди. Доимо коллективни янги-янги марралар сари бошлайди.

Ўрозбой Тожибоев мастерлик қилаётган участкаси. Бу ерда ҳам эллик киши ишлайди. Уларнинг ҳам барчаси илғор. Қўлларидан чиқаётган бежирим туфлиларга қараб ҳавасинг келади. Ахир шулар эмасми, корхона шуҳратини ошираётган, фабрика тарихини яратаётганлар!

Қобил ака конспект дафтарини очиб шулар ҳақида ёзишга тутинди. В. И. Лениндан цитаталар келтирди. Совет халқининг коммунизм тарихини яратишда эришаётган ютуқларини ҳикоя қилувчи рақамлар топди.

— Кечирасиз, Қобил ака,— деди шивирлаб ёнидаги стулда китоб ўқиб ўтирган ишчи Шариф Ваҳобов.— Мен ҳам эртанги машғулотимизга тайёргарлик кўраётган эдим. Сўраб қолсангиз яна ийлиб қолмай. СССР Олий Совети V сессияси материалларини қайтармоқчиман. Нималарни кўриб чиқай бунинг учун?

— Сессия материаллари марказий газеталарда ҳам, маҳаллий газеталарда ҳам тўла-тўкис эълон қилинган. Ўшаларни кўздан кечир. Докладчи диққат билан ўқи. Сўнг Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси материаллари билан таниш.

...Смена иши тугади. 4-цех ишчилари фабриканинг қизил бирчагига тўплана бошлашди. Цех бошлиғининг ўринбосари пропагандист Қобил Зоиров журналдаги фамилияларни бир-бир ўқиб чиқди. 22 кишининг ҳаммаси шу ерда. Машғулотни бошлаш мумкин.

Тингловчилардан Ш. Ваҳобов, М. Сентябов, А. Шульпин ўртоқлар ўтган машғулот темасини қисқачагина қилиб сўзлаб беришди. Сўнг пропагандист Қ. Зоиров янги темага ўтди. Тарихни яратувчи халқ эканлиги, оммани нг гегемонлиги т ў ғ р и с и д а, марксизм-ленинизм классикларининг шу масалалар бўйича айтган фикрлари ҳамма-ҳаммасини кенг ва тушинарли қилиб баён этди. Машғулот охирида қизғин савол-жавоблар бошланиб кетди. Саволларга соддагина қилиб жавоб бергач, шу тема юзасидан ўқилиши лозим бўлган адабиётлар рўйхатини тингловчиларга ҳавола қилди.

Қобил Зоиров кўп йиллардан бери Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида партия тарихини ўрганувчилар тўгарагига раҳбарлик қилади. У доимо ўтилаётган темаларнинг жонли ва таъсирчан бўлишига алоҳида эътибор беради. Кишилар ундан хурсанд. Тушунмаганларини машғулотларда тушуниб олишади. Қизиқ-қизиқ темалардаги саволларга жавоб топишади. Корхонада бошқа тўгараклар иши ҳам намунали йўлга қўйилган. Бу ерда ишчилар ўз касбларига оид темаларда тез-тез суҳбат ва лекциялар тинглаб турадилар. Конкрет экономика тўгарагида ўз билимларини чуқурлаштирадилар. Пропаганда ишларининг жонлилиги ишлаб чиқаришга ҳам ижобий таъсир этмоқда. Корхона цехларида зиммадаги топшириқлар ойма-ой ортиғи билан адо этилаяпти. Маҳсулот сифати кун сайин яхшиланиб унинг таннархи арзонлашмоқда. Эришилаётган бу ютуқларда кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаётган, улар онгини ошираётган пропагандист Қобил Зоировнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ж. НОСИРОВ.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ ТЎЛА ТЎПЛАМИНИНГ 51-ТОМИ

В. И. Ленин асарлари тўла тўпламининг 51-томи босилиб чиқди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм институти тайёрлаган бу томни Давлат сиёсий адабиёт нашриёти нашр этди.

Бу томга 1919 йилнинг июли — 1920 йилнинг ноябрида ёзилган хатлар, ёзишмалар, телеграммалар, телефонограммалардан 628 таси киритилган. Шулардан 562 таси асарларнинг бундан олдинги нашрларига киритилмаган, 126 таси эса биринчи марта эълон қилинаётган ҳужжатлардир.

Томдаги материаллар Советлар республикасини мудофаа қилиш, душманни тор-мор келтиришни ҳамда жаҳонда биринчи пролетариат диктатураси мамлакатини ҳимоя қилишни ташкил этиш борасида В. И. Ленин жуда катта ишлар бажарганлигини кўрсатиб турибди. Шу ҳужжатларда совет ҳокимияти кучининг ва енгилмаслигининг манбалари очиб берилади, мамлакат олдида турган вазифалар ва, аввало социалистик ватанни ҳимоя қилиш вазифалари кўрсатиб берилади.

Томда В. И. Ленинниинг Уфа ишчиларига, Тула заводининг металлистларига, Черемхово кўмир қазувчиларига юборган хатлари босилган. Шу хатларда Ленин ишчиларнинг ҳамма тўсиқлар ва қийинчиликларни енгишга маҳкам бел боғлаганликларини ва бу ишда огишмай қаттиқ турганликларини табриклайди, В. И. Ленин техникани ривожлантиришга, фаннинг энг янги муваффақиятларини халқ хўжалигига тезроқ жорий қилишга нақадар катта аҳамият берганлигини доҳиннинг мактублари, хатлари, телеграммалари кўрсатиб турибди. 1920 йил мартда РКП(б)нинг IX съездида тасдиқланган ягона ленинча хўжалик планининг асосий принципларини тўлдириб ва тушунтириб Ленин томонидан ёзилган хатлар шу томда босилган.

Ленин Коммунистик ҳаракат сафларининг бирлигини ҳормай-толмай ҳимоя қилиб келди. 1919 йилда баъзи Коммунистик партияларда пайдо бўлган «сўл» оппортунизмга қарши ёзилган хатлар ва телеграммалар шу томда берилган.

Бу том Ленинградда А. М. Горький номли «Печатний двор» босмахонасида босилган.

(ТАСС).

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ТАЪСИРЧАН

Партиямиз янги Программасида жамият аъзоларининг онглилиги қанчалик юқори бўлса, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда улар шунчалик ижодий активлик кўрсата олишлари алоҳида уқтирилган. Кишиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Комбинатимиз партия ташкилоти кадрларнинг сиёсий онгини ошириш, уларни коммунизм улуғ ишига садоқат руҳида тарбиялашга катта эътибор бераяпти. Бу вазифани амалга ошириш учун биз турли формалардан фойдаланмоқдамиз.

Янги замон кишисини тарбиялаш, унда материалистик дунёқарашнинг шаклланишида идеология ишининг таъсирчан формаларидан бири сиёсий ўқув ҳисобланади. Сиёсий тўгараклардаги ўқув тингловчиларга мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларни тўғри тушуна билиш, КПСС Программасида илгари сурилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб беради.

Ҳозир комбинатимизда 314 та сиёсий тўгарак ишлаб турибди. Бундан ташқари мустақил ўқувчилар учун назарий семинарлар ташкил этилган. Буларда 8,5 минг киши ўқиб, ўз сиёсий онгини оширмоқда.

Марксистик фалсафани ўрганиш тўгарагига ўртоқ Г. Гаврилов пропагандистлик қилади. Тўгарагининг 42 аъзоси бор. Ўртоқ Гаврилов машғулотларнинг қизиқарли, жонли ва таъсирчан бўлиши учун курашади. Шу мақсадда ҳар бир машғулотга у тингловчиларга бирор янгилик бериш ниятида пухта тайёргарлик кўради. Тингловчиларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш илғорлари эканлиги ҳам бежиз эмас. Мастер ёрдамчилари Р. Абдурахмонов, Ф. Исмоилов, З. Толипов, И. Репин, М. Карасева, В. Белов, тўқувчи А. Колтакова, калаваловчи Маматказина ва бошқалар тўгаракларга актив қатнашадилар, улар жонкуяр жамоатчи ҳамдирлар. Бу ўртоқларнинг кўпчилиги меҳнатга коммунистик муносабат намунасини кўрсатиб, Валентина Гаганова ташаббуси асосида илғор участкани ташлаб қолоқ участкага ўтган ҳамда уни илғорлар даражасига кўтарган кишилардир.

Тўгараклардаги машғулотлар тингловчиларга нималар бермоқда? Яхшиси бу саволга жавобни пропагандистлар ва тингловчиларнинг ўзларидан олақолайлик.

Пардозлаш фабрикасининг пропагандисти ўртоқ А. Лугачева бундай дейди:

— Коммунистик меҳнат мактабимизда олиб борилаётган машғулотларга тингловчиларнинг қизиқиши катта. Назаримда ҳозир тингловчиларимиз ғоявий жиҳатдан анча ўсган, онгли, аҳил ва интизомли бўлиб қолишган. Уларнинг коллектив ҳаётида актив иштирок этабошлагани кишини қувонтиради. Цех ёки фабрикамизда бирор ижобий масала кўтариб чиқилса, тингловчиларимиз унга ўз ҳиссаларини қўшишга ҳоҳиш билдиришади, ёрдамларини аямайди.

Пардозлаш фабрикаси сараловчиси, коммунистик меҳнат мактабининг тингловчиси Зарифа Тошмуҳамедованинг сўзини эшитинг.

— Менда, — дейди у, — фабрикамиз бош инженери Мария Даниловна Тихоновaнинг комбинатимиз тарихи ва унинг келажаги юзасидан ўтказган мазмунли ва жонли суҳбати жуда яхши таассурот қолдирди. Комбинатимизда рўй берган ўзгаришлар аниқ кўз олдимга келди. Унинг ҳозир қанчалик илгарилаб кетганлигини билиб олдик. Коммунистик меҳнат мактаби машғулотлари тематик жиҳатдан турли-туманлиги ва кўргазма асосида олиб борилиши, меънмча, унинг жонли ва қизиқарли ўтишини таъминлаяпти.

Тингловчиларнинг талаб, истакларини ҳисобга олиб, машғулотларни қизиқарли ўтказаётган пропагандистларимиз кўп. 1-йигирув фабрикаси арқоқ цехининг бошлиғи И. Тўйчиев, 1-тўқув фабрикаси мудирининг ўринбосари В. Миммрина, 1-йигирув фабрикаси пахта титиш цехининг бошлиғи А. Орехова ва бошқалар ўз ишига ихлос қўйган, тингловчиларнинг ҳурматини тантанали суратда пенсияга кузатиш, ҳамкасбларни касал бўлган ёки бошқа бирор ташвиш тушганда ёлғизлатмаслик сингари одатларга амал қилаётир.

Комбинат партия комитети пропагандистлар савиясини кўтариш, уларга янги форма ва методлар топишда яқиндан ёрдам бермоқда. Пропагандистлар учун тез-тез назарий ва амалий семинарлар ўтказиб турамиз. Тўқимачилар маданият саройида турли кечалар уюштирилади. Бундай кечаларда оғзаки журналлар ташкил этилиб, ўзаро тажриба алмашилади.

Тўқимачиларимиз эришаётган муваффақиятлар кўп. Газламаларимиз ва бошқа хил маҳсулотларимиз Иттифоқимизнинг турли бурчакларига, чет элларга пешма-пеш юборилиб турибди. Белгиланган топшириқларни шараф билан бажармоқдамиз. Биз ишлаб чиқаришда қўлга киритилаётган ютуқлар асосан тўқимачиларнинг ижодий ташаббускордиги ошаётганлиги, уларнинг меҳнатга муносабати ўзгараётганлиги самарасидир деб биламиз.

Э. ҲАМИДОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети секретарининг ўринбосари.



«Юлдуз» фирмаси бош корхонасининг технологи Саодат Муҳамедшина бўш вақтларини нўпинча сиёсий маориф уйи ёки кутубхонада ўтказади. Чунки у ўзи ишлайдиган 2-тикув цехида пропагандист ҳамдир. Саодат машғулотларга пухта тайёргарлик кўради. Тўгарагининг илмга ташна тингловчиларига ўтилаётган темани оддий ва жонли қилиб тушунтириб беради. Фотомухбиримиз А. АБАЛЯН Саодат Муҳамедшинани навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўраётган пайтида суратга олган.

НИХЛОС

(ЛАВҲА)

□

Хадия хола бугун одатдагидан анча барвақт уйғонди. Кеча алла маҳалда ётган бўлса-да, мириқиб дам олибди. Кайфияти жуда чоғ, ўзини қушдек енгил сезяпти. У кийиниб ташқарига чиқди. Ҳовли ўртасида туриб атрофни кузатди. Кечаги қовоқ солиб турган ҳавонинг чеҳраси очилиб кетибди. Осмон бирам тиниқки, гўё шиша дейсиз. Саҳий қуёш ҳам воҳа томон ошиқиб, тог ортидан чўққига тирмашмоқда. Бепоён дала, боғларга ҳовуч-ҳовуч илиқ нур тараташти.

Хадия хола бир ҳовуч сувга юзини пишди-ю, энтикиб кетди. Муздек сув уни сескантириб юборди. Танига ором югуриб ўзини яна ҳам енгил сезди. Олтмиш баҳорни кўрган кўнглини қандайдир сирли ҳис нозик қитиқлаб ўтди. Артина туриб оқ оралаган сочларини силаб таради. Атрофга яна суқланиб боқди. Гўё биринчи бор кўраётгандай, кўзларида нур учқунлайди. Ажабо баҳор ишқи чўғ солган бу кекса аёлнинг қалби шунчалар ёшариб кетса, қарашларидан шунчалар чексиз кувонч ёғилса. Бунинг боиси нима? Балки у фаровон турмушидан, ҳузур-ҳаловатли қарилик дамларидан қувонаётгандир. Ёки тинч меҳнат тонгининг гўзал жамоли унинг кекса қалбини эркалаётгандир. Дарвоқе булар кимнинг қалбига чўғ солмайди, шодлантирмайди дейсиз.

Хадия хола уйга кирганда қизи Жамила ҳамон ширин уйқуда эди. Она уни уйғотмоқчи бўлиб тепасига борди. Лекин безовта қилмади. «Ҳали пича вақт бор. Кеча чарчаган. Ухлай турсин» деган ҳаёл кечди она кўнглидан. Қўшни хонага кириб нонушта ҳозирлигини кўрабошлади.

Жамила ўрнидан турди. Шабада унинг қулфи-дилини яна ҳам гулгул очиб юборди. Ювиниб, тараниб тўкингина ясатилган дастурхонга келиб ўтирди. Она-бола биргаликда нонушта қилишди. Сўнг колхознинг сут-товар фермасига йўл олишди.

Ферма уларни Жамиланинг турмуш ўртоғи Деҳқон ака қарши олди.

Деҳқон ака тележкага уйилган гўнгни ташқарига ағдариб келгач, рафиқаси ва онасига ёрдамлашди. Қўлига қашлағич олиб, моллар ёнини тозалай бошлади. Кўп ўтмай ферма сут соғувчилар билан гавжумлашиб кетди. Саҳар вақтидаёқ бугланган хашак силос билан аралаштирилиб, автоматик равишда мол охурларига узатила бошланди. Видонларни ювиб, тозалаб қўйган сут соғувчилар сигирларни соғишга киришиб кетишди.

Ҳамма сигир соғишга бошлаганда Хадия хола ва Жамила бир неча сигирни соғиб улгуришган эди. Меҳнатда чиниққан қўллар эпчил ҳаракат қилди. Икки соатдан кўпроқ вақт ичида Хадия хола боқимидаги 20 бош сигирни, Жамила эса 17 бош сигирни соғиб бўлишди. Табелчи соғилган сутни ўлчаб, қабул қилиб олабошлади. Ҳар чала соққан сутини топшириб бўлдч. Мусобақадошлар сабрсизлик билан натижани кутиша бошлади. Табелчи обдон ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, қўлидаги қалин дафтарни варақлаб, бугун ким қанча сут соққанини эълон қилди. Навбат Хадия ҳолага келганда у ўқишдан тўхтаб, атрофга аланглади. Сут соғувчилар орасида керакли кишисини топди шекилли баланд овоз билан деди:

— Хадия Генатулина! 180 литр! Ҳамма уни қизғин табриклади.

— Жамила Генатулина, — давом этди табелчи, — 120 литр! Она-бола бугун сигирлардан жуда кўп сут соғиб олишди. Ўз мусобақадошларидан анчага ўзиб кетишди.

Табелчи натижаларни маълум қилиб бўлди. Ҳамма ўз ишига тарқалди. Молбоқарлар очиқ ҳаводан фойдаланиб, сигирларни сайл эттиргани ташқарига чиқаришди. Сут соғувчиларнинг кўплари уйларига кетишди. Хадия хола эса қизи билан фермада қолди. Мол охурларини нушхўртлардан тозалаб, ҳаммаёқни сарамжон-саришта қилишди. Уларга бироз ёрдамлашгач, Деҳқон ака ишини сменадошига топшириб, дам олиш учун уйга жўнади.

Хадия хола анча вақтлардан буён «Ленин йўли» колхозининг сут-товар фермасида сут соғувчи бўлиб ишлаб келади. Бахтини ҳалол меҳнатдан топган аёл ўз касбини қизига ўргатди. Фарзандини меҳнат қучоғига, ферма даргоҳига етаклади. Зеҳнли қиз Жамила соғувчилик касбини тез эгаллаб олди. Оз вақт ичида моҳир сут соғувчи бўлиб районга танилди. Ўтган йили она ва бола ўз боқимларидаги сигирлардан мўлжалларидан анча ошириб сут соғиб олиб, зималаридаги юксак социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар. Колхоз правлениеси уларнинг шижоатли меҳнатларини ҳисобга олиб, она-болани муносиб тақдирлади.

Оила аъзолари бу йил янада юксак марраларга интилишаяпти. Сигирлардан кундалик сут соғиб олишни тинмай ошириб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам улар квартал учун белгиланган планларини ошириб бажаришди.

Молларни ширали озуқалар билан тўйдириб боқиш улардан кўплаб сут соғиб олишни таъминлаяпти. Кунда ҳар бир сигирга 30 килограмм силос, 8—10 килограмм бўғланган дағал хашак, 1,2 килограмм комбинациялаштирилган озуқалар едирилмоқда. Сигирлар сутининг мойлилиги чакки эмас, 4,2 процентни ташкил этмоқда. Оила аъзолари яхши меҳнат куни ишлашаяпти. Кунда нормани уч ҳисса ошириб бажариб, уч меҳнат куни топишаяпти.

Колхознинг сут-товар фермасида бундай меҳнатсеварлар борган сари кўпаяпти. Ана шуларнинг меҳнат ғайрати туфайли ҳам колхознинг мавжуд 311 бош соғин сигиридан кўп миқдорда сут соғиб олиняпти. Хўжаликда давлатга сут сотиш юзасидан белгиланган квартал планининг ошириб бажарилганлиги шундан далолат бериб турибди.

Моллар жайдари бўлишига қарамай уларнинг маҳсулдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган йили ҳар ойнинг 25 кунида 11 минг 450 литр сут соғиб олинган эди. Бу йил эса ана шу вақт ичида 17 минг 400 литрдан ортиқ сут соғиб олинди. Бу ўтган мавсумдагидан қарийб 6 минг литрга кўпдир. Ёки бошқача қилиб айтганда ҳар бир сигирдан кунда булутургидан 3,5 литр кўп сут соғилмоқда.

... Янги кун тонги отмоқда. Хадия хола ва унинг қизи Жамила ферма томон ошиқмоқда. Уларни ўз постида Деҳқон Ҳожиев кутмоқда.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
М. ГОЗИЕВ,
Ўрта Чирчиқ, «Ленин йўли» колхози.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 28 МАРТ 1965 ЙИЛ.



Гулга тўлиб, нурга тўлиб
Ишва, ноз билан,
Баҳор келди хандон кулиб
Ўйноқ соз билан.

Яна ўрик, бодом гули
Боғим безади.
Бир баҳорки, эрка, сўлим.

Юртим кезади.
Гўдакларнинг чеҳрасида
Ўйнар шу баҳор.

Яна деҳқон даласида
Яйрар шу баҳор.
Тоғ бағри-ю, қирлар чаман —

Яна фусункор.
Боғ — ўлкамни қилиб гулшан
Мангу қол, баҳор!

А. ЮСУПОВ.

А. АБАЛЯН ва А. ТЎРАЕВ фотоэтюди.

СУБҲИДАМДА

Олиб келди атр бўйин
Тонг шамоли.
Субҳи-сабо чалиб куйин
Тонг жамолин —
Жилвасини навосимон
Қалбга қуйди,
Субҳидамнинг ҳавосини
Қалбдан туйдим.
Сочларимни ўйнаб ўтар
Шўх шаббода,
Зеболаниб япроқ ёзар
Гуллар боғда.
Ариқларнинг ёқасида

Майса — гилам,
Тўрғайларнинг куй-сасида
Яшил кўклам.
Далаларда янграр ялла —
Меҳнат куйи
Авжга чиқар юртда яна
Баҳор тўйи.
Табиатнинг қўшиғида
Ажиб оҳанг.
Ўлкам бўйлаб «Баҳор!»— дея
Отади тонг.

Пўлат НИШОНОВ.

БОЛАЛАР УЧУН ФИЛЬМЛАР

Ўқувчиларнинг баҳорги каникули муносабати билан пойтахтимиз кинотеатрлари ўз залларини болаларга бўшатиб берди. Пойтахт экранларида кичкинтойлар севиб қолган аввалги йиллардаги фильмлар ҳамда совет кинооси усталари томонидан яратилган янги кинолентлар кўрсатилмоқда. Жумладан, М. Горький номидаги киностудия ишлаган «Морозко» янги рангли фильм-эртак болаларга мўлжалланган дир. Қизиқарли ҳаёт лавҳаларини, кутилмаган воқеа-ҳодисаларни ўткир юмор билан акс эттирган бу фильмни ёшлар севиб қолиши, шубҳасиз.

Болгар кинематографчилари ишлаган **«Тамом бўлмаган уйин-лар»** фильми ҳам каникул кунлари кўрсатилади. Бу кинолента ўн икки ёшлик болгар боласи Митька Падаузовнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилади. У уруш вақтида яшаб, фашизмга қарши шиддатли курашнинг гувоҳи бўлган. Бола ўйинини, мактабини ташлаб қўлига қурол олишга, катталар билан бирга елкама-елка туриб курашишга мажбур бўлади.

Тўлиқ метражли бадиий фильмлардан ташқари бир қатор қисқа метражли ва мультфильмлар ҳам намойиш қилинади.

А. ГОРОШИН.

МАТБУОТ ТАРИХИ ВИСТАВКАСИ

Тошкент олий партия мактабида «Урта Осиёнинг революциягача бўлган ва ҳозирги матбуоти» деган темада кўргазмали фото виставка очилди. «Туркистон Қизил байроқли 7-ўқчи полкнинг 1918—1928 йилларни ўз ичига олган жанговар ишлари», «Бухоро тарихи», «Самарқанд ва унинг ўтмиши» каби ўша даврда нашр қилинган китоблар, Урта Осиёда биринчи марта чиқабошлаган «Туркистон ведомости» газетасининг виставкадан ўрин олган нусхалари диққатга сазовордир.

Виставканинг бир қисмида Ўзбекистонда, шу жумладан Урта Осиёнинг қардош республикаларида Совет ҳокимияти йилларида газета, журнал китоб нашр қилиш ҳамда полиграфия базасининг юксалганлигини кўрсатувчи фото расмлар, факт ва рақамлар келтирилган.

С. ҲИДОЯТОВ.

ВРАЧЛАР ҚИШЛОҚДА

Тошкент Давлат медицина институти олимлари тез-тез қишлоқларга чиқиб туришади, касалхоналарда бўлиб, беморларга шифо беришда маҳаллий медицина ходимларига ёрдамлашишади, уларга қимматли маслаҳатлар беришади.

Яқинда институтнинг бир группа шифокорлари Бўка ва Пискентда бўлишди. Профессор С. Шамсиев Бўкадаги болалар касалхонасида даволанаётган беморларни кўздан кечирди. Акушер-гинеколог, доцент А. Қодирова туғруқхонада бўлиб консультация ўтказди. Профессор А. Содиқов, доцент Муҳамедов ва бошқалар ҳам ўз тажрибаларини ўртоқлашишди.

Кечқурун медик олимлар савол-жавоб кечаси ўтказишди. Кечада 700 дан ортиқ киши қатнашди.

А. КИМ.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ АҚШ ҲУКУМАТИГА НОТАСИ

26 мартда СССР Ташқи Ишлар Министрлиги АҚШнинг Москвадаги элчихонасига Совет Ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига ёзган нотасини йўллади.

Нотада, Америка қуролли кучлари Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши заҳарли газлар қўлланганлиги тўғрисида АҚШнинг расмий вакиллари тасдиқлаган хабарлар олинганлиги айтилади. Шу хабарларга кўра, махсус аппаратлар ўрнатилган Америка вертолётлари ва қирувчи-бомбардимончи самолётлари Жанубий Вьетнамнинг аҳоли яшайдиган жойларига жанговар химиявий моддалар сочмоқда. Бу моддалар одамларнинг кўриш органларини, нафас олиш йўлларини ва ошқозон-ичакларини шикастлантирмоқда. Вьетнам қишлоқларидаги тинч аҳоли, шу жумладан кексалар, хотин-қизлар ва болалар газ ҳужумларининг қурбони бўлишди.

АҚШнинг расмий вакиллари, заҳарли газларни Жанубий Вьетнамда қўлланишни давлат департаменти ва АҚШ мудофаа министрлиги маъқуллаганлигини айтишди. Оқ уй вакили бу гапларга илова қилиб, Американинг жойлардаги қўмондонлигига бу хилдаги воситаларни қўлланиш масаласини ўзи ҳоҳлаганча ҳал этиш ҳуқуқи умуман бериб қўйилганлигини маълум қилди.

Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши химиявий қурол ишлатилаётганлиги — ҳамма эътироф қилган халқаро ҳуқуқ нормаларини энг қўпол равишда бузишдир, инсонлик аҳлоқи ва одамгарчиликнинг элементар принципларини поймол қилишдир, дейилади Совет нотасида. Бўғиб қўядиган заҳарли ва бошқа шу хил газларни қўлланиш аллақачон тақиқлаб қўйилганлиги ва жаҳон халқлари томонидан қатъиян қораланганлиги АҚШ ҳукуматига маълум, албатта.

Нотада шу нарса эслатиб ўтиладики, иккинчи жаҳон уруши вақтида гитлерчилар германияси химиявий урушга тайёргарлик кўраётганлигини Совет Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия қаттиқ қоралаб, бундай қилишнинг барча хатарли оқибатлари тўғрисида гитлерчилар Германиясини огоҳлантирган эдилар.

Мана шу нуқтаи назардан қараганда Қўшма Штатларнинг Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши заҳарли газлар ишлатаётганлигига қандай баҳо бериш мумкин, деган савол туғилади. Заҳарловчи моддалар Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши қўлланилаётганлиги ҳаммани газаблантирмоқда ва буни ҳам ма қораламоқда. АҚШ ҳукумати, дейилади нотада, Вьетнам халқига қарши қилинаётган бу жиноят учун ўз зиммасига қандай оғир масъулият олаётганлигини ва бу нарса қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши тушуниб олиши лозим.

Совет Ҳукумати Америка Қўшма Штатларининг Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши заҳарловчи газлар ишлатаётганлигини қатъиян қоралайди.

Совет ҳукумати, Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг химиявий қуролни ишлатишдек энг ваҳшиёна чорани қўлланиш билан ўз зиммасига олаётган масъулиятни жуда жиддий равишда салмоқлаб кўради ва Жанубий Вьетнамда заҳарловчи моддалардан фойдаланишга дарҳол чек қўймоқ учун зарур чораларни кўради, деб умид қилади. (ТАСС).

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОВУҚ УРУШ АДВОКАТИ

БОНН, 26 март. (ТАСС). НАТО бош секретари Брозио «Германия проблемаси»ни Боннинг Германия Демократик Республикасини ютиб юборишни нўзда тутувчи расмий сиёсати руҳида «ҳал қилиш»ни ёқлаб фикр билдирди.

Брозио неча бу ерда «Атлантика Жамияти»нинг йиғилишида гапириб, агрессив НАТО блокининг кучларини жипслаштирайлик, деб наъра урди, Европада «совуқ уруш» тамом бўлган эмас, деди.

НАТО бош секретари Марказий Европада ядросиз зона барпо этишга олиб борадиган ҳар қандай тадбирларнинг амалга оширилишига қатъиян қарши чиқди.

«РЕЙНЖЕР» ОЙГА БОРИБ ЕТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 март. (ТАСС). Американинг «Рейнжер» космик кемаси бугун Альфонс Кратери районида Ойнинг сиртига бориб етди. Кемага ўрнатилган аппаратлар ёрдами билан Ойнинг сирти кўплаб суратга олинди ва бу суратлар ерга берилди.

Германия Демократик Республикаси ҳукумати составида ўзгаришлар

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси ҳузуридаги матбуот маккамаси хабар беради: Германия Демократик Республикаси ҳукумати составида қуйидаги ўзгаришлар қилинди:

Альфред Нейман, шу вақтга қадар ташқи ва ички герман савдо министри бўлиб келган Юлиус Балков ва шу вақтгача ташқи ва ички герман савдоси министрининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Герхард Нейс министрлар совети раисининг ўринбосарлари қилиб тайинланди (Альфред Нейман Германия Демократик Республикаси халқ хўжалиги кенгашининг раиси лавозимида ҳам қолади).

Ташқи ва ички герман савдо министрининг биринчи ўринбосари Хорст Зелле ташқи ва ички герман савдо министри қилиб тайинланди.

Саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли, ўз илтимосига кўра, Герхард Лухт Савдо ва таъминот министри вазифаларидан озод қилинди. Бу лавозимга шу вақтга қадар ички деҳқон инспекцияси комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб келган Гюнтер Зибер тайинланди.

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

САНО, 25 март. (ТАСС). Яман Араб республикаси ташқи ишлар министрлиги кеча эълон қилган баёнотда бундай дейилади. Сенажда жойлашган инглиз қўшинлари Яман территориясидаги аҳоли яшайдиган Катаба пунктини икки марта (12 ва 20 мартда) ўққа тутдилар.

Яман ташқи ишлар министрлиги инглиз қўшинларининг агрессив ҳаракатини қатъий қоралайди. Инглиз маъмурлари, дейилади баёнотда, ана шу агрессив ҳаракатларнинг оқибати учун тўла жавобгардир. Яман ўз территориясини ва ўз мамлакати гражданларининг ҳаётини ҳимоя қилиш ҳуқуқини ўзида сақлайди.


КХДР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН, 26 март. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг бугун бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: «Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти марказий комитетининг баёноти муносабати билан Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати шу нарсани расмий равишда маълум қиладики, у қардош Вьетнам халқига ҳар тарафлама моддий ва маънавий мадад кўрсатиш, шу жумладан - қурол-яроғлар билан ҳам ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилди».

Башарти Америка империалистлари урушни кенгайтираберадиган бўлсалар ва Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти томонидан илтимос қилнб қолинса, деб таъкидланади баёнотда, Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати исталган вақтда Жанубий Вьетнамга кўнгиллиларни жўнатиш чораларини кўради.

ТАБИАТ ОШИҒИ





Суратларда: 1. Қиш манзараси. 2. Индустриал Тошкент чекаси.

Автор фотолари.

Тошкент тўқимачилар саройи биносида рассом Г. П. Шполянскийнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмага рассомнинг 70 та асари қўйилган.

Шполянский пейзажларида бугунги кунимизнинг жонли лавҳалари акс эттирилган. У Ўзбекистон табиатини яхши билади, уни ўз ижодида усталик билан акс эттиради.

Рассомнинг катта серияли пейзажларида бахтли турмуш, тинч меҳнат, фаровонлик ва мўл-кўлчилик зўр маҳорат билан гавдаланади. Эрта баҳорнинг ўзига хос латофати ҳам («Баҳор келди»), меҳнаткаш ишиларнинг фидокорлиги ҳам («Чирчиқ химкомбинати»), инсон меҳнати ва унинг буюк яратувчилик кучи ҳам («Орол денгизи»), колхоз далалари ва боғлари устидаги тиниқ осмон ҳам («Колхоз далаларида оқшом») ажойиб тасвирланган. У қиш манзарасини чизар экан («Тошкент атрофида») қорнинг яркирашини ва ҳавонинг нозик тўқланланишини яхши акс эттира олган.

Кўргазмада ҳар куни учрашувлар, тасвирий санъат ва маҳорат ҳақида суҳбатлар ўтказилиб турилади. Аҳоли кўргазмани зўр қизиқиш билан кўрмоқда.

т. ОДИЛБЕКОВ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДА

⊙ СССРнинг Ганадаги Элчиси Г. М. Родионов ҳафталик «Спартак» журнали редакциясига совет адабиёти кутубхонасини совға қилиб топширди. Кутубхонада В. И. Ленин асарлари, кўпгина авторларнинг марксча-ленинча фалсафага оид асарлари, совет ёзувчиларининг китоблари бор.

⊙ Жазоир миллат мажлисининг раиси Ҳож Бин Аллоинг таклифига биноан Жазоирда меҳмон бўлиб турган Германия Демократик Республикаси парламент делегацияси ватанига жўнаб кетди. Делегация аъзолари бу ерда бўлган вақтларида Жазоир раҳбарлари билан бир неча марта учрашдилар.

⊙ Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Чэнь И расмий визит билан Покистонга келди.

⊙ Пентагоннинг хабар қилишича, Вьетнам ватанпарварларига қарши АҚШ томонидан разил уруш олиб борилаётган Жанубий Вьетнам чакалакзорларида 1961 йилнинг 1 январидан бери ўтган вақт ичида 437 киши ҳалок бўлган. Бу давр ичида АҚШнинг 2 минтга яқин ҳарбий хизматчиси яралар бўлган.

⊙ Бу ерда маълум бўлишича, Америкаиинг Швециядаги элчиси Шимолий Норвегияда ўтказиладиган маневрларда қатнашиш учун АҚШ ҳарбий авиация бўлинмаларининг Германия Федератив Республикаси ва Данияцан Швеция территорияси орқали ўтишга рухсат беришни шу йил 11 мартда Швеция ҳукуматидан талаб қилган. Швеция ҳукумати бу талабга қатъий рад жавоби берган.

⊙ Адана шаҳри (Жанубий Туркия)да кучли довул бўлди. Юзлаб уйлар вайрон бўлди, Камбағаллар истиқомат қилаётган кварталлар айниқса кўп зарар кўрди. 50 дан кўпроқ киши яраланди.

⊙ Куба Социалистик революция Бирлашган партияси миллий раҳбарлигининг иккинчи секретари, Куба Революцион ҳукуматининг бош министри ўринбосари, революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Болгария Халқ Республикаси министрлар советининг таклифига мувофиқ Софияга келди. (ТАСС).

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

Республикамиз спорт тарихида биринчи марта хотин-қизлар ўртасида мерганлик бўйича ўтказилаётган шахсий-команда биринчилиги мусобақаларида Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент областлари ва Тошкент шаҳри вакиллари қатнашяпти.

Мусобақанинг биринчи куниданоқ Ўзбекистон чемпиони деган унвон учун кескин кураш бошланиб кетди. МВ-9 ва МП-5 машиқида ҳар бир очко учун катта тортишув бўлди. И. Лазарева МВ-9 машқида 586 очко тўплаб биринчи ўринни олди. 583 очко тўплаган Л. Пихомова иккинчи ўринга чиқди. Учинчи ўринни эгаллаган Т. Мироновани пешқадамдан атиги беш очко ажратиб турипти. Бу машқда 155 очко тўплаган Тошкент шаҳар иккинчи командаси биринчи ўринга чиқиб олди.

Ўзбекистон чемпионлари ва голиб команда эртага маълум бўлади.

А. НЕЧЕЙУРЕНКО, республика спорт Союзи Советининг бош тренери.

ФУТБОЛ

ТЎП ЎЙИНДА

Футбол мастерлари мавсумолди машқларини стадионларга кўчиришди. Улар ишқибозлар кўзи олдида қандай тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилишмоқда.

Самарқандда ўқув-тренировка машқларини якунлаётган «Пахтакор» «А» классининг иккинчи группасида қатнашувчи Новосибирскнинг Армия спорт клуби командаси билан куч синашди. Ҳамшаҳарларимиз 1.0 ҳисоби билан галаба қилдилар. 11 метрдан киритилган штраф тўпининг автори Г. Красницкий бўлди. Бундан олдинги учрашувда ҳам тошкентликлар раҳиб дарвозасига пенальтидан ягона тўп кирита олган эдилар, холос. Чамаси, ҳужумчиларимизда ҳали активлик етишмайди.

Чирчиқликлар ҳам биринчи ўйинни кўришга муваффақ бўлдилар. Маҳаллий «Химик» командаси «А» классининг иккинчи группасида қатнашувчи «Волга» (Калинин) футболчилари билан беллашиб кўрди. Учрашувда ҳисоб очилмади.

«Б» классидаги энг ёш коллектив — Свердлов номли колхоз футболчилари ҳам жиддий синовлар олдидан контрол ўйин ўтказдилар. Хабаровскнинг Армия спорт клуби командаси билан бўлган бу ўйинда меҳмонлар битта тўп киритиб, галабага эришдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР * РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 11.00 — **Эрталабки гимнастика.** 11.20 — **Мактаб янгиликлари.** 12.00 — **Инглиз тили** (болалар учун). 12.20 — М. Горький. **Дорилфуналарим** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.55 — **Музика луғати.** 14.25 — **Диққат! Шаҳарда сеҳргар!** (бадиий фильм). 15.20 — **Физикадан лекция** (сиртқи студентлар учун). 17.00 — **Бўғирсоқ** (болалар учун қўғирчоқ фильм). 17.15 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.30 — **Арсеналчилар. Сув ости чемпионлари** (ҳужжатли фильмлар). 18.10 — **Телевизион янгиликлар.**

18.25 — **Реклама ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 18.35 — **Ойнадан ўпкалама.**

Рус тилида: 19.25 — **Ленинград телестудияси концерти.** 20.30 — **Ешим йигирмада** номли бадиий фильмнинг 2-сериясн.

Ўзбек тилида: 21.50 — **Далада ишловчилар учун** (эшиттириш ва концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/III да кундуз **Демон,** кечқурун **Травиата,** 29/III да кундуз **Евгений Онегин,** кечқурун **Богчасарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/III да **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/III да **Ишқинг билан,** 29/III кеч соат 8 да **Катта концерт.** Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Фарогат Раҳматова, Маҳмуджон Ғафуров,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Тамара Назарова, Бахтиёр Ихтиёров, Суръат Пўлатов** ва солистлар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 29, 30, 31/III да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.** Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида 31 мартгача **Катта цирк томошалари.** Москва давлат циркининг қизиқчи артистлари иштирокида **«Ҳазилни қўйинг»** томошаси ва бошқа номерлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг
ПРОФТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА
ревизор бухгалтерлар
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 34-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

А. Ю. Лейдерман: «р-п-п+ структураси ишининг назариясига доир» деган темада.

Т. Л. Малевич: «Стационар процесслариинг спектраль функциясини баҳолаш хусусияти» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1965 йил 7 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй, Физика-техника институтининг конференц-зали) қуйидагилар физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Диссертация ёқлайдилар

1965 йил 8 апрель кундуз соат 3 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети тарих факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, 36-аудитория)

Г. Л. Дмитриев — тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX аср бошларида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар тарихидан» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1965 йил 10 апрель кундуз соат 12 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, 2-қават)

И. Раҳимов — фалсафа фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Коммунистик ахлоқнинг турмушда қарор топиши (Ўзбекистон материаллари асосида)» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 03713. Индекс — 64969. Нашр. № 1728